БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 165 (1943) | 22 август, сешанба, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин

Эртага Тошкентда Ўрта Осиё ва Закавказье ёш механизаторларининг слёти очилади

Турсунойчилар сафи тобора ўсиб бормоқда. Ҳозир турсунойчилар сафига қўшилишни орзу қилган 50 дан ортиқ хотин-қиз Вревский қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабида таълим олаяпти. Суратда: (чапдан) Янгийўл районидаги «Партия XIX съезди» колхозидан келган Сатира Мирхакаева, Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоздан келган Лутфи Рўзибоева ва Чиноз районидаги Навоий номли колхоздан келган Раҳима Мирзамаддинова ўртоқлар трактор қисмларини кўздан кечиришаяпти.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СПОРТЧИЛАР САФИНИ ТИНМАЙ КЕНГАЙТИРАЙЛИК

«Партия ёш авлодни болалик чоғидан бошлаб жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашни, уларда жисмоний ва маънавий кучларни гармоник тарзда ривожлантиришни таъминлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Бу эса оммавий спорт ва физкультуранинг барча хилларини ҳар томонлама ривожлантиришни, шу жумладан мактабларда ҳам ривожлантиришни, аҳолининг тобора кенг қатламларини, айниқса ёшларни физкультура ҳаракатига жалб этишни талаб қилади».

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектидан.

□ □ □

Инсоният тарихда ўчмас саҳифалар қолдирган шу унутилмас кунларда қудратли она-Ватанимиз, бутун дунё Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Программаси проектининг чуқур таассуроти билан яшамоқда. Давримизнинг буюк сиёсий ва назарий ҳужжати бўлган Программа проектида коммунистик жамият қуришнинг илмий жиҳатдан асосланган конкрет плани илгари сурилади. Программа проектининг ҳар бир бандидан мамлакатимиз олдида жуда кенг истиқболлар очилаётгани яққол кўриниб турибди.

Мамлакатимизда коммунизм қуришнинг бу программ ҳужжатида Ватанимиз иқтисодий ва маънавий кучларини 20 йил ичида мисли кўрилмаган даражада ривожлантириш тадбирлари белгиланган. Соғлом ва бақувват бўлиб ўсиш, унумли меҳнат қилишнинг гарови, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим таркибий қисми бўлган физкультура ва спортни кенг кўламда ривожлантириш ҳам Программа проектида ўз ифодасини топган.

Партия ва ҳукуматимизнинг бениҳоя ғамхўрликлари туфайли бизда спорт совет кишиларининг кундалик ҳаётига чуқур сингиб бормоқда. Шу туфайли бизда коммунистик жамият қураётган дадил, руҳан тетик ва жисмоний жиҳатдан чиниққан соғлом спортчи ёшларнинг сафи йилдан-йилга ўсмоқда. Ўтган йили мамлакат бўйича соғлиқни сақлаш ва физкультура ишларига давлат бюджетидан 4.8 миллиард сўм маблағ ажратилган эди. 1961 йилда бу соҳаларга 5.2 миллиард сўм (эски пул ҳисобида) сарфлаш планлаштирилган. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида спорт ишлари учун шунчалик кўп маблағ сарфланмайди.

Спорт бизда чинакам оммавий ҳаракатга айланган. СССР да мунтазам равишда физкультура ва спорт билан шуғулланувчилар сони қозир 30 миллион кишини ташкил этади. Улар спортнинг 50 дан ортиқ тури билан шуғулланмоқдалар. Бизда юксак маҳоратли спортчилар сони йилдан-йилга ўсаётир. 1200 га яқин ҳизмат кўрсатган спорт мастери, 20 мингдан ортиқ спорт мастери совет физкультурачилари армиясининг ёлқинли ўнлиги, техникум ва мактабларда физкультурага ўқитишдаги жиддий камчиликларнинг тугатиш учун ҳам зарур тадбирларни амалга ошириш керак. Бунинг учун область спорт ташкилотларининг раҳбарлари ва инструкторлари кўпи физкультура коллективлари билан алоқани яхшилашлари, уларга яқиндан амалий ёрдам беришлари зарур. Физкультура ва спорт партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ҳам диққат марказида туриши керак.

Коммунизмнинг актив қурувчилари бўлган спортчилар сафини тинмай кенгайтирайлик!

УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОДДИЙ БАЗАЛАРИ РЎЙХАТИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг топшириғига мувофиқ, Марказий статистика бошқармаси органлари шу йил декабрь ойида Бутуниттифоқ мактаб рўйхати ўтказадилар. Рўйхат умумий таълим мактабларининг ҳамма мактаб бинолари (шу жумладан белгиланган мақсаддан бошқа мақсадлар учун фойдаланилаётган бинолар) — умумий ётоқхоналар, ўқитувчиларнинг уй-жойлари, ошхоналар, мактаб ва мактабларо таълим-ишлаб чиқариш мастерскойларига характеристика беради, шунингдек мактабларнинг моддий базасига, шу жумладан, таълим, хўжалик ва ишлаб чиқариш жиҳозларига батафсил характеристика беради. Совет ҳокимияти йилларида шу билан учинчи марта мактаб рўйхати ўтказилмоқда (биринчи марта 1920 йил 1 ноябрда, иккинчи марта 1927 йил 15 декабрда ўтказилган эди).

21 августда мактаб рўйхати ўтказиш масалалари юзасидан Москвада инструктив кенгаш очилди. Кенгашда СССР Марказий статистика бошқармаси бошлиғи В. Н. Старовскийнинг ва Марказий статистика бошқармаси маданият статистикаси бўлими бошлиғининг ўринбосари М. М. Полубояриновларнинг докладлари тингланди. Якин вақт ичида барча иттифоқчи республикаларда, ўлка ва областларда ҳам инструктив кенгашлар ўтказилади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

65 КАСБ

МОСКВА, 19 август. (ТАСС). Урта умумий таълим меҳнат политехника мактабларининг тўқиизинчи синф ўқувчиларидан 15 мингдан ортиқ ниши янги ўқув йилида Москва шаҳар халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида ишлаб чиқариш таълими олади. Бундан ташқари 12 минг ўқувчи ишчи касблари орттиришни давом эттиради.

Практика шуни кўрсатдики, мактаб ўқувчилари махсус ташкил этилган ўқув цехлари ва участкаларида ишлаган тақдирда энг яхши натижага эришилади. Шу сабабли халқ хўжалиги кенгаши корхоналарда яна олтита ана шундай цех ва 83 та участка ташкил этишга қарор берди. Болаларнинг ишлаб чиқаришдаги таълимига кекса ишчилар, тажрибали инженерлар ва техниклар раҳбарлик қилишади.

Болалар мактабдаги машғулотларни ишлаб чиқаришдаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш натижасида меҳнат кўникмалари ҳосил қиладилар, ихтисос оладилар. Машғулот пойтахт саноатига хос бўлган 65 та асосий касб бўйича олиб борилади.

ҚОЗОҒИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

ОЛМАОТА, 20 август. (ТАСС). «Казахстанская правда» газетасининг якшанба кунги сонида бўлажак Олмаота харитаси эълон қилинди. Қозоғистон Республикасининг пойтахти шу 20 йил мобайнида ўнлаб километр масофага кенгаяди. Шаҳарнинг ҳозирги вақтда ярим миллиондан кўпроқ аҳолиси икки баравар кўпаяди. Олмаотанинг марказий қисмида революциядан илгариги Верний шаҳридан мерос бўлиб қолган бир қаватли бинолар бутунлай йўқолади.

Мана буларнинг ҳаммаси Олмаотанинг янги чегаралари тўғрисида республика ҳукумати томонидан чиқарилган қарорда назарда тутилган. Шаҳарнинг донги бутун дунёга кетган кўкаламзорлари батамом сақланиб қолинади ва кенгайтирилади. Меваозорлар зонаси меҳнаткашларнинг дам олиш жойига айлантирилади. Бу ерларда фақат санаториялар, дам олиш уйлари, болалар боғчалари ва яслилари қуриш мўлжалланган.

Яқинда қуриладиган сунъий денгиз яқинидаги Новоилийский йўлдош шаҳарда аҳолининг сони чорак миллион кишига етади.

СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ АСОСЧИСИГА ҲАЙКАЛЛАР

ФРУНЗЕ, 19 август. (ТАСС). Чу водисининг ишчилар шаҳарчаси — Қантда Владимир Ильич Ленинга тантанали суратда ҳайкал очилди.

* * *

СТАВРОПОЛЬ, 19 август. (ТАСС). Аполлон районидаги Марьинская станицасининг маданият ва истироҳат паркида Коммунистик партиянинг ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленинга тантанали суратда ҳайкал очилди.

«КПСС ПРОГРАММАСИНИНГ ПРОЕКТИ» БРОШЮРАСИ ҚЎШИМЧА НАШР ҚИЛИНДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти мамлакат меҳнаткашларининг «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси проекти»га талаби жуда катта эканини ҳисобга олиб, ана шу ҳужжат босилган брошюрани қўшимча равишда 500 минг нусхада чиқарди.

(ТАСС).

МЕХАНИЗАЦИЯ ЮЗИМИЗНИ ЁРУҒ ҚИЛДИ

Механизациянинг афзаллиги меҳнатни енгил қилишини деҳқонларимиз яхши биладилар.

Шу кунларда бригадамиз далаларини айлансангиз кўзингиз қувнайди, дилингиз ором олади. Қанчалик боқманг, яна боққингиз келади. Ғўзанинг бўйи бир текис. Ҳосилдорлигини қўяберасиз. Ҳар туп ғўзада 12—14 гадан тўқ кўсак бор. Гуж-гуж гуллар ва қосил тугунчалари бу ҳисобга кирмайди. Олди кўсаклар очилай деб турибди.

Бу беҳисоб ҳосил ўз-ўзидан бўлмаганлиги ҳаммага маълум, албатта. Даламиздаги ҳар бир кўсакни, ҳар бир гул ҳамда ҳосил тугунчаларини механизациянинг ёрдамисиз тасаввур этиб бўлмайди. Йўқ, бунда механизациянинг ёрдами жуда катта. Ахир, эрта кузда ер шу механизация билан ҳайдалди. Баланд-паст майдонлар шунинг кучи билан текисланди. Бугина эмас, чигит экишдан тортиб, ғўза парваришигача, ўсимликни озиқлантиришгача бўлган ишларнинг ҳаммаси ҳам механизациянинг кучи билан бажарилди.

Ҳали-ҳали эсимизда. Бир вақтлар ғўза қатор ораларига от кучи билан ишлов берилар эди. Битта от кучи билан кўп деганда бир гектарга етар-етмас ер қўлдан чиқарилар эди. Эндичи? Ғайрат камарини маҳкам боғлаган механизатор бир кунда 7—8 гектар ўсимликка ишлов беради. Ишнинг сифатини солиштириб ўтирмаймиз. Мана сизга механизациянинг афзаллиги, мана сизга унинг деҳқоннинг асл дўсти бўлиб қолганлиги.

Бу йил мен хизмат қилаётган Анвар Ўралов бошлиқ бригаданинг аъзолари 106 гектар ерда ғўза ўстирмоқдалар. Гектаридан 29 центнердан «оқ олтин» оламиз деб, ваъда бергамиз. Ваъда бергандан кейин уни бажарганга нима етсин. Бордию, ваъдангинг устидан чиқаолмасанг дўстлар олдида, мусобақадошлар олдида, ҳамкасблар олдида бош кўтариш қийин бўлади. Буни яхши тушунамиз. Шу сабабли кузда юзимиз шувит бўлиб қолмаслиги учун ҳаммамиз бир ган бир жон бўлиб ишладик. Барча майдонлардаги ғўзаларга тўрт марта сифатли ишлов берилди. 4 марта озиқлантирилди.

Бу йил 100 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олганман. Пахтаси машина билан териладиган майдонларни алоҳида парвариш қиляпмиз. Куз яқинлашяпти. Саноқли кунлардан сўнг теримга тушамиз. Ҳозир машинамни мавсумга тахт қилиб қўйдим.

Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари ёш механизаторларининг слёти бўлишини эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Чунки унда ҳамкасбларимиз ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар. Биз уларнинг қимматли тажрибаларидан ўз иш фаолиятимизда фойдаланамиз.

Абдумалик СУБАНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг механизатори.

СЪЕЗДГАЧА ПЛАННИ БАЖАРАДИЛАР

«Биз шонли Коммунистлар партиясининг XXII съезди очиладиган кунгача — йиллик пахта тайёрлаш планини бажарамиз. 960 гектар пахта майдонидан дастлаб пландаги 26,1 центнер ўрнига 27 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдик. Лекин колхозчиларимиз ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб далада мўл ҳосил етиштирдилар. Ана шуни ҳисобга олиб, гектаридан 28 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдик. Колхозда етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини четдан одам ёлламай ўз кучимиз билан йиғиб оламиз».

Сирдарё районидаги Максим Горький номли колхоз аъзолари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектини ўқиб, муҳокама қилганларидан кейин ана шундай оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар, партиямизнинг XXII съездини ана шундай ишлаб чиқариш совғаси билан кутиб олишга қарор қилдилар.

Хўш, улар бу мақсадга қандай қилиб эришмоқчилар? Уларнинг режалари нимадан иборат?

Колхоз раиси Ўртоқ Шарифбобо Раҳимов билан суҳбатлашиб қолсангиз, дастлаб у «мен ҳаммадан кўра кўпчилик олдида ёлғончи бўлиб қолмайин деб кўрқаман» дейди. Максим Горький номли колхоз аъзолари ўз сўзларининг устидан чиқиш, кўпчилик олдида уялиб қолмаслик учун ҳаракат қилмоқдалар.

Колхоз бўйича ҳар гектар ердан пландагига нисбатан 1,9 центнердан ортиқ ҳосил олиниши лозим. Бу мақсадга эришиш учун ҳар қайси бригаданинг ғўзаси, ундаги кўчати ҳисобга олинди. Чунончи, Ниёзхол Қодиров бошлиқ бригадада 85 гектар пахта майдони бор. Планга мувофиқ 29 центнердан, дастлабки мажбуриятга асосан 32 центнердан ҳосил олиниши зарур. Лекин бу бригаданинг аъзолари ҳар гектар ерда тўла кўчат бўлишига ва ғўзанинг яхши ривожланишига эришганлар. Шу туфайли улар ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олиш тўғрисида қўшимча мажбурият олдилар. Тўхтамиш Бегалиев, Карим Муҳаммедов, Ўлжабой Раҳмонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам ўз имкониятларига яраша шундай қўшимча мажбуриятлар олдилар.

Колхоздаги 47—27 С навли эртапишар пахта очила бошлади. Шу туфайли колхоз правлениеси 25 августдан пахта теримини ёппасига бошлаб юборишни, август ойида 125 тонна, яъни 5,5 процент миқдорида пахта тайёрлашни планлаштирди. Бу даврда пахта теримига 350 киши жалб этилади.

Сентябрь ойида пахта теримига 400 киши жалб этилади. 18 сентябрдан бошлаб 5 та ХВС—1,2 пахта териш машинаси ишга тушади. Сентябрь ойи давомида 60 процент миқдорида пахта тайёрланади.

Халил Дадаев — моҳир механик-ҳайдовчи. Ўтган йили 95 тонна пахта терган. Х. Бобоев, Ж. Шеров, И. Икромов каби механик-ҳайдовчилар ҳам Дадаевдан қолишмайдилар. Улар ҳаммаси бўлиб ўн киши. Механик-ҳайдовчилар съезд шарафига 400 тонна пахта теришга аҳд қилганлар.

1 октябрдан 17 октябргача, яъни шонли коммунистлар партиясининг тарихий XXII съезди очиладиган кунгача 35 процент миқдорида пахта тайёрланади. Бу даврда теримчилар ва механик-ҳайдовчилар бригалашиб кунига 2 процентдан ошириб пахта териши ва колхоз 17 октябрь куни пахта тайёрлаш планини бажарганлиги ҳақида рапорт бериши лозим.

Пахта теримини муваффақиятли ўтказиш учун зарур бўлган ҳаммз тайёргарлик ишлари кўрилмоқда. Қоп-қанор, этаклар келтириб қўйилган. Тош-тарозилар тахт. Пахта ташиш учун 5 та автомашина, 12 арава, 4 та ДТ-24 тракторлари ажратилди. Хирмонлар, кўприклар ремонт қилиб қўйилди.

Пахта терими даврида болалар боғчаси ва яслисининг аҳамияти яна ҳам катта бўлади. Чунки колхозда болалик аёллардан 120 теримчи бор. Шунинг учун терим даврида битта марказий, 4 та бригада болалар боғчалари ишлаб турадилар.

— Биз партиямиз Программасининг проектини ўқиб, ўзимиз учун ана шундай хулоса чиқардик, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Зафар Мирзаев. — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Программасининг проекти коммунизмнинг улуғвор биносини қуриш учун ҳалол ва унумли меҳнат қилишга чақиради.

Бу колхозда партиямиз янги Программасининг проектини ўқиб руҳланган ёшлар ҳам, кексалар ҳам пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун белни маҳкам боғлаганлар.

Рўзи ота Ҳосилов ва Чирикбой ота Табапов билан суҳбатлашиб қолсангиз, уларнинг гапларини эшитиб завқланиб кетасиз.

— Бизни баъзилар ёшини яшаган, ошини ошаган чоллар дейишади. Тўғрисини айтсам, шунақа гапларни эшитиб хафа бўлиб кетаман, — деди Рўзи ота. — Энди роса мириқиб ишлаб, роҳатини кўрадиган замон келди. Илгари бойларга ишлар эдик. Энди ўзимиз учун, халқ учун ишлаймиз. Шундай замонда қариман деб қўлни қовуштириб ўтириб бўладими.

Бу чолнинг бажараётган ишларидан ҳам ана шу ҳикматлари яхши. Бу энг олий ҳиммат. М. Горький номли колхозда бундай олий ҳиммат кишилар оз эмас. Шунинг учун уларнинг аҳдларига, берган ваъдаларига ишонса бўлади.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ТАЖРИБАКОРЛАРИМИЗНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА ҒЎЗАНИ ҚАНДАЙ СУҒОРИШ КЕРАК

Бу саволга «Оққўрғон» совхозининг тракторда-далачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошмамат Алижонов шундай жавоб беради:

— Шу кеча-кундузда ҳаво ҳарорати пахтакорларнинг кўнглидагидек сақланиб турибди. Ғўза парваришини сира ҳам бўшаштирмаслик керак. Айниқса, суғоришни ғўзанинг ҳолатига қараб, давом эттираберіш зарур. Баъзибир бригада бошлиқлари, колхоз раҳбарлари, энди суғоришни тўхтатиш керак, деяптилар. Бу нотўғри қайфият. Кўпчилик майдонлардаги ғўзалар ҳали сув талаб қилади. Бундай майдонларни суғормасдан қўйиш, мўлжалдаги ҳосилни етиштиришга каттагина путур етказади.

Ҳар бир звено, ҳар бир бригада бошлиғи ўз ер-сув шароитларининг мижозини яхши билади. Улар тажрибали пахтакорлар, агрономлар билан бамаслаҳат иш кўриб, ғўзаларини талабига қараб суғораберишлари лозим. Ҳозирги сув мавжуд кўсакларни тўлиштиради, гулларни кўсакларга айлантиради. Суғоришни усталик билан давом эттирган деҳқон кузга бориб ютқазмайди.

ТУРСУНОЙЧИ ҚИЗ

Тонг. Ҳаво мусаффо. Ариқдаги оқаётган шишадек тип-тиниқ сувнинг шарпаси-ю, узоқ-узоқлардан эшитилаётган қушлар навоси кишига роҳат бахш этаяпти. Завраой табиатнинг ана шундай ширин нашидасидан руҳланиб, тонг саҳарда ширин уйқусини ҳам тарк этди. Ариқдаги муздек сувга апил-тапил юзини ювиб, нонушта ҳам қилмасдан тўғри колхоз идораси томон йўл олди. У манзилга яқинлашар экан бирдан ўйланиб қолди. «Нима қилсам экан, дабдурустдан эшикни очиб, муддаомни раисга айта берсаммикан? Йўқ яхшиси ўйга қайтиб кета қолай» деган ўй билан эшик олдида тўхтаб қолди.

Бироздан сўнг Завраой «ке, тавакка қилиб кираверамаи» деб эшикни очди-да, «Худойберди ака, мумкинми?» деди. Рўбарўдаги столнинг нариги ёғида нималар биландир овора бўлиб ўтирган раис Завраойни диванга таклиф этди.

— Хўш, хизмат.

Завраой дабдурустдан берилган бу сўроқдан бироз ўйланиб қолди.

— Мени механизаторлик ўқишига юборсангиз, — деди у бироздан сўнг.

— Механизаторлик ўқишига?! Ғўза парваришининг авжи қизиган пайтида-я,

—...

Раис қизнинг хомуш ўтирганлигини кўриб, унга яна гап қотди: — Ростдан ҳам ўқишга бормоқчимисан?

— Бўлмасам-чи, бирдан-бир истагим Турсуной опамдек механизатор бўлиш!

— Оббо, қизи тушмагурей. Ҳа, майли, ундай бўлса сенга рухсат.

Завраой раисниг кабинетидан диди қувончга тўлиб чиқди. Шундан сўнг уни Вревский қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабига ўқишга юборишди. Бу ерда механик-ҳайдовчи бўлишни чин қалбидан орзу қилган Завраой мукаммал машиналарни пухта ўрганди. Мана, энди у, малакали механик-ҳайдовчи, Турсунойчи Завраой Ўринбоевининг бу йилги аҳди юксак. У мавсумда ўз агрегати билан 150 тонна «оқ олтин» теришга қатъий сўз берди.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
Оққўрғон районидаги Ленин номли колхоз.

КПСС ПРОГРАММА ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИ МУҲОКАМАДА

XXII Съездалди МИНБАРИ

КПСС УСТАВИ

КПСС ПРОГРАММАСИ

ФАБРИКАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг меҳнатсевар коллективи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси ва Устави проектларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқда. Ишчи-хизматчилар янги Программа проектининг ўз ишлаб чиқаришлари билан алоқадор бўлган бандларини айниқса яхши уқиб олдилар. Программа проектида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бу товарларга ўсиб бораётган талабни тўла қондириши ва ўзгарган талабларга мувофиқ келиши лозим деб кўрсатилади.

Корхона меҳнаткашлари буюк тарихий ҳужжатлардан руҳланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнига янги техникани кўплаб жорий қилиш ва халқ талабига биноан янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан муҳим тадбирларни кўрмоқдалар. Яқинда корхона таралган капрондан тайёрланган хотин-қизларнинг бежирим жемперларидан дастлабки 300 тасини тайёрлади. Янги ўзлаштирилган материалдан ишлаб чиқарилган бу маҳсулот кийиш учун қулай, ювганда ҳам анча вақтгача ранги ва бичимини йўқотмайди. Фабрика ана шундай жемперлардан йил охиригача 28 минг дона ишлаб чиқаради. Бунинг учун корхонада зарур ташкилий-техникавий тадбирлар кўрилмоқда. Суратда: фабрикининг экспериментал цехида. (Чапдан) конструктор М. Круглова ва лекалчи Л. Сагатова ўртоқлар янги ўзлаштирилган маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян фотоси.



Партия кишиларни илмий материалистик дунёқараш руҳида тарбиялаш учун, диний хурофотларни йўқотиш учун ғоявий таъсир воситаларидан фойдаланади. Бунда диндорларнинг туйғуларини ҳақорат қилишга йўл қўймаслик керак. Утмишда кишилар табиатнинг стихияли кучлари ва социал зулм остида эзилганликлари, табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ҳақиқий сабабларини билмаганликлари орқасида вужудга келган диний эътиқодларнинг асоссизлигини қунт билан тушунтириб бориш лозим. Бунда дунёнинг манзарасини тобора тўлароқ очиб бераётган, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини кучайтираётган ва диннинг муъжизавий кучлар тўғрисидаги афсоналарига ўрин қолдирмайдиган ҳозирги замон фанининг ютуқларига суяниш лозим.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектидан.

Коммунистларнинг таклифлари

Муҳокама қилинаётган партия Устави проектининг «Бошланғич партия ташкилотлари» бобидаги 56-моддада «Бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарларининг партия стажи камида бир йил бўлиши шарт», дейилган.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — ПАРТИЯНИНГ АСОСИ эканлигини, партия олдидаги хўжалик ва сиёсий вазифаларни бажаришда уларнинг ҳал қилувчи роль ўйнашини ҳисобга олинса, Устав проектидаги юқоридаги таклиф, бизнинг назаримизда унча тўғри эмас. Атиги бир йил партия сафида бўлган киши партия ташкилотини, бюро ишини бошқариш учун ёшлик қилади. Чунки у етарли даражада партиявий раҳбарлик қилиш малакасига эга бўлмайди.

Тажрибасиз ва оз малакали киши раҳбарлик қиладиган бошланғич партия ташкилотидан кўнгилдагидек иш кутиш қийин бўлади, албатта. Шунинг учун биз партия Уставида бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарлигига КАМИДА УЧ ЙИЛ ПАРТИЯ СТАЖИ БЎЛГАН КИШИЛАР сайланиши шарт қилиб қўйишни таклиф киламиз.

Ноёб ҚОСИМОВ,
Пискент районидаги Хрушчев номли колхоз партия ташкилотининг секретари,
Ҳалил ИУЛДОШЕВ,
«Пискент» совхози 1-бўлими партия ташкилотининг секретари.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Устави проектининг учинчи моддасининг «в» пунктида партия аъзоси «партия мажлисларида, конференцияларида, съездларида, комитетларнинг пленумларида ҳар бир коммунистни, унинг эгаллаб турган вазифасидан қатъий назар, танқид қилиши мумкин», дейилади.

Бизнинг фикримизча, бу унча тўла ҳуқуқ эмас. Партия мажлисларида, конференцияларида, съездларида, комитетларнинг пленумларида ҳар бир коммунист партиянинг ҳар бир аъзосини ҳамда ҳар бир партия ташкилотини танқид қилиши мумкин, деб қўшиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

А. С. КАРТАШЕВ
«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти партия ташкилотининг секретари.

САНОАТГА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИ САВИЯСИНИ ОШИРАЙЛИК

(КУЙБИШЕВ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

<>

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ И. Р. Арнаутовнинг КПСС Программаси проекти ҳақидаги, район партия комитетининг секретари Ўртоқ Р. Муҳамедованинг КПСС Устави проекти ҳақидаги, район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ А. И. Бродованинг район партия комитетининг ҳисоботи тўғрисида қилган докладлари тингланди ва атрофлича муҳокама қилинди.

Докладчилар ва музокарага чиққан нотиқлар шуни таъкидладилар-ки, район меҳнаткашлари коммунистик партия янги Программаси проектини зўр қизиқиш билан кутиб олишди. Бу тарихий ҳужжат барча завод, фабрика, муассасаларда чуқур ўрганилмоқда ва муҳокама қилинмоқда. Район коммунистлари КПСС Устави проектини активлик ва ишчанлик билан муҳокама қилмоқдалар. Давримизнинг бу икки тарихий ҳужжати район меҳнаткашларининг етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлидаги ғайрат ва ташаббусини янада ошириб юборди.

Район партия ташкилоти ҳисобот даврида ғоявий жиҳатдан анча чиниқди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, хўжаликка раҳбарлик қилишни анча яхшилади, идеология ишлари савиясини оширди, район меҳнаткашларини етти йиллик топшириқлари ва КПСС XXII съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этди. Район саноат корхоналарида социалистик мусобақани қизитиш, янги техника ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий қилиш асосида етти ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш давлат плани 103,4 процент бажарилди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари коммунистик меҳнат зарбдорлари ва бригадалари, коллективлари номини олиш учун мусобақани кучайтирдилар. Ҳозирги вақтда 11 мингдан ортиқ кишини ўзига бирлаштирган 34 та цех, 355 та бригада, 26 та участка, 7 та автобус маршрути ва 23 экипаж ана шу ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этмоқда.

Техника прогрессига эътибор кучайтирилди. Йил бошидан бери 14 та поток ва ярим автомат линия ишга туширилди. 341 та янги асбоб-ускуна ўрнатилди, 101 та машина ва механизмлар модернизация қилинди.

Аммо шу билан бирга саноатга раҳбарлик қилишда қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Ўтган етти ойда 11 та корхона белгиланган планни бажармади. Улар орасида «Ташсельмаш», экскаватор, «Ўзхлопкомаш», Чкалов номидаги металл буюмлари заводлари, 1-ғишт заводлари бошқармаси бор. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари бу корхоналарнинг бир меёрда ишлашини таъминламадилар, ускуналарнинг бекор туриб қолиш ҳолларини камайтириш учун қатъият билан курашмадилар, меҳнат унумдорлигини оширишни таъминловчи имкониятлардан етарли фойдаланмадилар, социалистик мусобақага раҳбарлик қилишда, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда қатор камчиликларга йўл қўйдилар.

Экскаватор заводи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Макаров, «Ташкенткабель» заводининг бош инженери Костигов, «Ўзхлопкомаш» заводининг директори Синягин, «Главстройиндустрия» ремонт-механика заводининг бригадири Федоров ўртоқлар шу ҳақда гапиришди.

— Коллективимиз етти ойлик планни бажара олмади,— дейди экскаватор заводи вакили Макаров,— 7 та экскаватор қам ишлаб чиқардик. Запас қисмлар тайёрлашда ҳам шундай камчилик содир бўлди. Планнинг бажарилмаётганлигига асосий сабаб корхонамизда техника прогресси учун етарли кураш олиб борилмаётганлигидир. Бизда ҳали кўп меҳнат талаб қиладиган оғир ишлар қўлда бажарилаяпти. Айниқса, қуюв цехида механизация даражаси паст. Бу цехни реконструкция қилиш назарда тутилган эди. Унинг лойиҳаси ҳам тайёрланди, лекин Совнархоз машинасозлик бошқармаси раҳбарларининг, қолаверса корхонамиз раҳбарларининг совуққонлиги, бу муҳим ишга етарли аҳамият бермаётганлиги натижасида зарур асбоб-ускуналар ҳали ҳам олингани йўқ. Район партия комитети корхонамиздаги ана шу аҳволни билатуриб, бу масалани иччиллик билан ҳал қилмади.

— Конференцияда коллективимизнинг қониқарсиз ишлаётганлиги, биз раҳбарларнинг ўз ишимизда жуда катта камчиликларга йўл қўяётганлигимиз ҳақли равишда танқид қилинди,— дейди «Ўзхлопкомаш» заводининг директори Ўртоқ Синягин.— Бу танқидлардан тегишли хулосалар чиқариб оламиз ва меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш савиясини яхшилаймиз. Ҳақиқатан ҳам бизда техника прогресси учун кураш қатъийлик билан олиб борилмаётир. Бунда бизга район партия комитети ва Ўзбекистон Совнархози яқиндан ёрдам беришлари керак.

Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг ўқитувчиси Пўлатов, Тошкент Политехника институти партия бюросининг секретари Медведев, сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият район бўлимининг раиси Аҳмедов ўртоқлар партиявий-сиёсий ва тарбиявий ишлардаги жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтдилар.

Конференцияда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Рашидов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Абдураззоқов қатнашди.

Конференция район партия комитетининг ҳисобот доклади юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Делегатлар партия Программаси ва Устави проектларини бир овоздан маъқулладилар.

Конференция район партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини, шунингдек Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия конференцияларига делегатлар сайлади.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ўртоқ А. И. Бродовани район партия комитетининг биринчи секретари, М. Я. Бурешь, Р. Муҳамедова ўртоқларни район партия комитетининг секретарлари қилиб сайлади.

КОММУНИЗМ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

А. ҲАМИДОВ,
«Узбекэнерго»нинг бошқарувчиси.

<>

Халқимиз электр энергиясини кўпинча, ҳар ишга қодир паҳлавон, деб атайди. Бизнингча бу ерда ажабланишга ҳеч қандай ўрин бўлмаса керак. Электр қуввати қандай паҳлавондан кам дейсиз. Кўзга кўринмас бу қувватнинг таърифтавсифини тугатолмайсан киши. Ундан фойдаланмайдиган бирорта ҳам хўжалик тармоғи бўлмаса керак. Энергия симлардан оқиб бориб, саноат корхоналаридаги юз минглаб станоқларни ҳаракатга келтиради. Электровозлар минглаб тонна оғирликдаги составларни тортиб бориш, ларини таъминловчи куч ҳам шу. Қишлоқ хўжалигида жуда кўп оғир ишларни енгиллаштираяпти, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари турмушига тобора кенг кириб бораяпти, аёлларимизни машаққатли рўзғор ишларидан озод қилмоқда. Ток ёрдами билан овқатингиз пишади, чойингиз қайнайди, ҳатто кирингиз ҳам ювилади, тунингиз чароғон бўлади.

Электр қувватининг афзалликлари бу билан чегараланмайди, албатта. Унинг хусусиятлари битмас-туганмасдир. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимизда социалистик жамият қуриш учун бошланган курашнинг дастлабки қадамлариданоқ хўжаликни электрлаштиришга катта эътибор беришди. Ватанимизда гражданлар уруши давом этаётган, халқ хўжалигининг барча тармоқлари хароб ҳолга тушган оғир бир шароитда партиямиз мамлакатни электрлаштириш ва шу асосда халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш планини тузди. Бу план ГОЭЛРО— Россияни электрлаштириш давлат плани номини олди.

Ўша вақтда Владимир Ильич Ленин электрлаштиришнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги, янги социалистик жамият барпо этишда ҳал қилувчи роль ўйнашини алоҳида таъкидлаб кўрсатди. У, электрлаштиришнинг вазифаларини белгилар экан, бу ерда гап фақатгина электр станциялари қурилиши устида эмас, балки барча халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш жараёнларини кенг миқёсда электрлаштириш туфайли энг янги машина техникаси базасида юксалтириш ҳақида боришини кўрсатган эди. Улуғ доҳи мамлакатни электрлаштиришнинг ғоятда муҳимлигини айтиб, уни партиянинг иккинчи программаси деб таърифлади.

ГОЭЛРО плани мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларини тез суръатлар билан ривожлантириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини, юксалтиришда жуда катта роль ўйнайди. Бу планда 10—15 йил давомида умумий қуввати 640 минг киловатт бўлган 10 та гидроэлектростанция ва қуввати бир ярим миллион киловатт бўлган 20 та ёқилғи асосида ишлайдиган электростанциялари қуриш, мавжуд станцияларни реконструкция қилиб, қувватини 250 минг киловаттга ошириш назарда тутилган эди. Ҳосил қилинаётган электр қуввати 8,8 миллиард киловатт соатга етказилиши лозим эди.

ГОЭЛРО плани муаффақиятли бажарилди. Бундан кейинги даврларда ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати улуғ Ленининг электрлаштириш ҳақидаги кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, СССР нинг энергетика хўжалигини ривожлантиришга қаратилган жуда катта тадбирларни амалга оширдилар. Агар 1913 йилда Россияда ҳаммаси бўлиб 2 миллиард киловатт-соатга етар-етмас қувват ҳосил қилинган бўлса, 1960 йилда 292 миллиард киловатт-соат ёнли деярлик 150 баравар кўп электр қуввати ишлаб чиқарилди.

Ҳозирги вақтда СССР электр энергия ҳосил қилиш бўйича жаҳонда иккинчи ўринга мустаҳкам чиқиб олди. Мамлакатимизда ҳосил қилинаётган электр қувватининг миқдори Европанинг саноат жиҳатдан энг ривожланган учта йирик капиталистик давлати — Буюк Британия, Ғарбий Германия ва Франциялари бирга қўшиб ҳисоблаганда — улар ҳосил қилаётган электр қуввати миқдорига тенгдир.

Ўзбекистонни электрлаштириш бўйича ҳам жуда катта ишлар қилинди. Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бор-йўғи 3 минг киловатт қувватга эга бўлган бир неча кичик электростанцияларгагина эга бўлган республикамиз эндиликда мамлакатимизнинг йирик энергетика районларидан бирига айланди. Ўтган йиллар мобайнида Чирчиқ-Бўзсув сув трактида, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Қувасой, Тошкент ва бошқа шаҳарларда бир қанча электр станциялар қад кўтарди. Фарҳод, ҳозирги вақтда Тошкент энергетика системасига ток етказиб бераётган «Ҳалқлар дўстлиги» номли Қайроқум ГЭСлари ишга туширилди. Ўрта Осиёда энг йирик Оҳангарон ГРЭСи саноат корхоналарига ток бера бошлади.

Ўзбекистонни электрлаштириш бўйича амалга оширилган ишларнинг миқёсини таққослаш учун мисоллар келтирамиз. Ҳозирги вақтда республикамизда 84 миллион аҳолига эга бўлган Покистондагига қараганда 6 баравар, 25 миллион аҳоли яшаётган Туркиядагига нисбатан деярлик уч баравар кўп электр қуввати ҳосил қилинмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили, Туркия ва Португалияда ҳосил қилинаётган электр қувватини бирга қўшиб ҳисоблаганда, ундан кўп қувват ишлаб чиқарилаётир.

Ўзбекистонда Тошкент, Фарғона, Андижон областларини, шунингдек Тожикистон, Киргизистон ва Жанубий Қозоғистоннинг ёндош районларини электр қуввати билан бир меёрда таъминлаб турган йирик марказлашган энергетика системаси вужудга келтирилди. Шу асосида республикамизда кимё, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кабель ва радио, электро-техника саноатлари, қора ва рангли металлургия, саноатнинг бошқа тармоқлари ўнёд этилди.

Электрлаштириш туфайли халқимиз турмушининг маданий шароити бекиёс яхшиланди. Республикада кучли радиоэшиттиришлар, қабул қиладиган ва узатадиган станциялар тармоғи, телевизион марказ ишлаб турибди. Коммунал-маиший, маданий-оқартув, медицина муассасалари, шунингдек меҳнаткашлар истиқомат қилаётган уй-жойлар электр қувватидан баҳраманд бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигини электрлаштиришда ҳам анча ишлар қилинди. Республикамизнинг барча совхоз ва РТСлари, 825 дан ортиқ колхоз электр қувватидан фойдаланмоқда.

Узбекистон энергетиклари станцияларни эксплуатация қилишни такомиллаштириш ва янги техника — автоматика, телемеханикани жорий қилиш ташаббускорлари бўлишди. Бизда биринчи бўлиб гидроэлектростанцияларни бошқаришнинг янги усули — каскадлаш амалга оширилди. **Ҳозирги вақтда барча электростанцияларимиз тўла автоматлаштирилган, кўпчилиги эса узоқ масофалардан телемеханика ёрдами билан бошқарилмоқда.** Район ёқилғи электростанцияларида қозон ва турбоагрегатлар автоматик равишда ишламоқда. Бу тадбирлар Тошкент энергия системаси станцияларини бошқаришни Совет Иттифоқида биринчи бўлиб телемеханизациялаш имконини берди.

Республикамиз халқ хўжалигини электрлаштириш бўйича ҳали жуда катта ишлар қилиниши керак. Чунки Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Программасининг проектида мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун электр қуввати ҳосил қилишни кескин кўпайтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омилларидан бири эканлиги таъкидланган ва бу соҳадаги улуғвор вазифалар кўрсатиб берилган. **«Партия коммунистик жамият қуришнинг асосий вазифаларини белгилар экан,** — дейилади Программа проектида,— **В. И. Ленининг: «КОММУНИЗМ — СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ПЛЮС БУТУН МАМЛАКАТНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШДИР», деган доҳиёна формуласига амал қилади».**

Шунинг учун ҳам Коммунистик партия кишиликнинг орзу-умиди бўлган коммунизм қуриш программасини белгилар экан, **аввало электр энергияси ишлаб чиқариш суръатларини саноатнинг бошқа тармоқларига нисбатан устун даражада ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Мамлакатни электрлаштириш плани яқин ўн йилликда саноатда меҳнатнинг электр билан қуролланишини қарийб уч ҳисса кўпайтириш,** арзон электр энергия базасида, кўп электр қуввати, сарф қиладиган ишлаб чиқаришларни кенг ривожлантириш, транспортда, қишлоқ хўжалигида, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмушида электрлаштиришни ёппасига жорий қилишни назарда тутади. Иккинчи ўн йилликда эса бутун мамлакатни ёппасига электрлаштириш асосан тугалланади.

Программа проектидаги электр қуввати ҳосил қилишни кўпайтириш бўйича белгиланган марралар ўз миқёси жиҳатидан кишини ҳайратда қолдиради. Бу рақамлар шу қадарли юксакки, асли қўяверинг. **Йиллик электроэнергия ишлаб чиқариш 10 йиллиқнинг охирига келиб 900—1000 миллиард киловатт-соатгача, иккинчи ўн йилликнинг охирига келиб 2700—3000 миллиард киловатт-соатгача етказилади.** Шу миқдордаги электр қуввати билан нималарни қилиш мумкин эмас дейсиз? Унинг ёрдамида 27—30 миллиард километр газлама ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг қанчалигини яққолроқ кўриш учун қуйидаги мисолни келтирамиз. Шундай узунликдаги газлама ердан Марсгача бўлган масофадан 500 баравардан ортиқ кўп. Ёки ана шу миқдордаги электр қуввати ёрдами билан 230 триллион тонна нон ёпиш мумкин.

Мамлакатимизда 1980 йилгача электр қуввати ҳосил қилишнинг кўпайиш диаграммасини кўз олдимизга келтирайлик. Узоққа бормасдан 1940 йилни оламиз. Бу вақтда мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган социалистик давлат эди. 1940 йилда СССРда 1980 йилда ҳосил қилинадиган электр қувватига нисбатан 60 баравар кам энергия ишлаб чиқарилган.

Бутун мамлакатимиздаги каби Ўзбекистонда ҳам электр қуввати ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб боради. Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган етти йиллик планда ана шу мақсад учун 190 миллион сўм капитал маблағ ажратилган. Етти йилликнинг охирига келиб республикамизда 11 миллиард 774 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинади ёки 1958 йилдагига қараганда икки ярим баравар кўпаяди. Шу йиллар давомида арзон табиий газ асосида ишлайдиган иккита кучли электростанция қурилади. Тошкент ГРЭСининг иккала навбати фойдаланишга топширилади. Унинг қуввати 1 миллион 200 минг киловатт-соатни ташкил этади, 700 минг киловатт-соат қувватга эга бўлган Навоий ГРЭСи қад кўтаради. Бундан ташқари бир қанча гидроэлектростанциялар ва ёқилғи билан ишлайдиган бошқа станциялар қурилиши назарда тутилади.

1980 йилда электр энергияни истеъмол қилиш даражаси 1958 йилдагига нисбатан саноатда 20 баравар, қишлоқ хўжалигида 130 баравардан зиёд ортади.

Фикримизча, **Урта Осиё ва Узбекистонда электр қуввати ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича тадбирлар белгиланганида бу ўлканинг гидроэнергетика ресурсларига жуда ҳам бой эканлигини унутмаслик керак.** Ўрта Осиёнинг бундай ресурслари СССРдаги гидроэнергетика ресурсларининг 15 процентини ташкил этади. Лекин бунинг яна бир афзал томони бор. **Узбекистондаги гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланиш, сунъий равишда суғориладиган бошқа районлардаги каби, бир қанча комплекс масалаларни, аввало электр қуввати ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, ирригация масалаларини ҳал қилиш имконини беради.** Биринчи навбатда пахтачиликни янада ривожлантириш, қўриқ ерларни ўзлаштириш ва уларга сув чиқариш масалалари ҳам бир йўла ҳал бўлади.

Энергетика хўжалигини ривожлантиришнинг бу буюк истиқболлари барча меҳнаткашларни беҳад қувонтириб юборди. Электр энергияси қанчалик кўп бўлса, Ватанимиз шунчалик қудратли, турмушимиз шунчалик фаровон, ғўзал, меҳнатимиз шунчалик енгил ва баракали бўлади.

Коммунистик жамият экономикасини қуришнинг асоси бўлган ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда, барча ҳозирги замон техника тараққиётини таъминлашда етакчи роль ўйнайди. Шунинг учун электроэнергия ишлаб чиқариш суръатларининг устунлигини таъминлаш зарур. Мамлакатни электрлаштириш плани: ЯҚИН ЎН ЙИЛЛИКДА саноатда меҳнатнинг электр билан қуролланишини қарийб УЧ ҲИССА кўпайтиришни; арзон электроэнергия базасида кўп электр қуввати сарф қилинадиган ишлаб чиқаришларни кенг ривожлантиришни; транспортда, қишлоқ хўжалигида, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмушида электрлаштиришни ЁППАСИГА жорий қилишни назарда тутади. Иккинчи ўн йилликда бутун мамлакатни электрлаштириш асосан тугалланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектидан.

Тошкентдаги электромеханика заводи коллективи КПСС Программаси проектини бир овоздан маъқуллаб, электр асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, сифатини яхшилаш режаларини тузмоқда. Ҳозир корхонада асосан КСО-29 типидаги тақсимлаш камералари тайёрланмоқда. Суратда: электрчи слесарлар бригадасининг бошлиғи Ўртоқ З. Минзатов тақсимлаш камерасининг контакти ишини текшириб кўрмоқда.

В. Салов фотоси.

ПАХТА ТЕРИМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?



Чеҳраларидан табассум аримаётган мана бу уч дугона Юқори Чирчиқ районидаги Сталин номли колхозининг 4-бригадаси далаларида фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилаяптилар. Ҳалима Тўраева (чапдан), Турсуной Ёқубова ва Санобар Убайдуллаева ўртоқлар бригада бўйича ҳар гектар ердан пландаги 24 ўрнига 35 центнердан ҳосил етиштириш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

Колхоз пахта заводи мавсумга тайёр

Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхозда пахта тозалаш заводи қуриб битказилди. Завод энг янги техника билан ускуналанган, у бир суткада 50 тонна пахтани тозалаш қувватига эга. Корхона колхоз бўлинмас фонди маблағлари ҳисобига қурилди. (ЎзТАГ).

ҲАММА ҲОСИЛ МАШИНАЛАРДА ТЕРИБ ОЛИНАДИ

ЭСКИ ТОШКЕНТ (ЎзТАГ). Совет Иттифоқида энг арзон пахта етиштириш соҳасидагы бой тажрибани ўрганмоқ учун Тошкент область қишлоқ хўжалик новаторлари кенгашининг аъзолари мамлакатнинг атоқли механизатори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко ҳузурига келдилар.

Меҳмонлар бу ерда энг яхши ғўзаларни кўрдилар. Бақувват ўсаётган тупларда бўлик кўсаклар ғуж-ғуж бўлиб ётибди. Кўсаклар очила бошлаган. Механизатор ишлаётган далада битта ҳам бегона ўт йўқ. Бегона ўтга қарши курашда биринчи марта гербицидлар ишлатилди. Химиявий усулда «ўтоқ қилиш» қатор ораларидаги бегона ўтларни юлиб ташлаш соҳасидаги иккита сермеҳнат ишдан воз кечиш имконини берди. В. Тюпко пахта етиштиришни арзонлаштириш мақсадида бир қанча ишларни бир йўла бажаришни кенг қўлланади. Масалан, культивация қилиш билан бир вақтда суғориш эгатлари олиниб, ғўзаларга ўғит солиб кетилади.

Валентин Тюпко ва унинг ёрдамчиси Тошмат Холматов етти йилликнинг учинчи йилида ҳамма майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишга аҳд қилганлар. Бутун ҳосил машиналарда териб олинади. Механизаторларнинг ҳар бирига 40 тоннадан кўпроқ пахта тўғри келади, бу эса ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўпдир. Комплекс механизацияни жорий этиш натижасида бир центнер «оқ олтин» етиштиришга иш соати икки баравар кам сарф бўлади.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Бу бригада далаларида мўл ҳосил учун кураш давом этмоқда. 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган бригада аъзолари 22 июлдаёқ чеканкани тугаллаган эдилар. Шундан кейин парвариш ишлари янада кучайтирилди. Ҳозир ғўза тупларидаги мўл ҳосил кишини қувонтиради.

Бригада аъзолари ишни Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг ғўза парваришини давом эттириш билан бирга, йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарори асосида ташкил этиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Барча майдондаги ғўза табақалаштириб парвариш қилинмоқда. Айниқса, суғоришни сифатли ўтказишга катта эътибор берилаётир.

Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозининг бу бригадасида ишлар мажбуриятга ярашадир.

М. НАЗИРБОЕВ.

И Б Р А Т

Бўлимнинг ёзлик клуби ишчилар билан тўла. Пиғилиш қизғин тус олган. Кексароқ, лекин зуваласи пишиқ одам, кўкиниб, ғапирмоқда. Излаб келган қаҳрамонимиз — Шарофат опа президиумда экан.

Шарофат опанинг кўёш нурида чиниққан, қорайиққираган ёқимтой чеҳраси жиддий эди. Баъзан у нотиқнинг сўзини маъқуллаб, калласини қимирлатиб қўярди.

Ғўзани бутунлай ўтдан тозалаб олайлик, ҳаммани далага сафарбар этайлик, сабабсиз ишга чиқмовчиларга, маъмурият қондасига риоя қилмовчиларга совхозда ўрин йўқ! Бир овоздан шу қарорга келинди.

Мажлисдан сўнг Шарофат опанинг кўзи олазарак, кимнидир қидирарди. У ёшроқ бир йигитга назар ташлади-да:

— Ҳасанбой, сувдан яна бир хабар олиб қўй, — деб уқтирди, яна кимгадир нималарнидир тайинлади.

Биз унинг уйи томон борардик. Шарофат опанинг қўлидаги катта калитсимон темирни кўриб:

— Бу нима? — деб сўрадик:

— Сув очадиган ключ, — деди-ю, мажлис бошланишидан аввал бўлиб ўтган воқеани гапиракетди.

— Битта сувчимиз сал бўшроқ, тўғондан сувни очишга очибди-ю, беркитишда нимни чала қолдирипти. Ҳайриятдарров хабар топдик, вақтида олдини олдик. Сувчининг ўзи ҳам қилган ишидан изза бўлди...

Биз Шарофат опанинг уйида тунадик, тонг азонлаёқ у кетиб қолипти. Кейин билдик, бригаданинг 3—4 гектар ерида ўт бор экан. Тезроқ шу ўтларни йўқотиб олмасак, худди ғўзанинг кучини сугириб олади, деб қўйиб-пишган Шарофат опа далага йўл солиб колипти.

Биз ҳам барвақт далага етиб келдик. Бу йил пахтани машинада тераман, деб аҳд қилган турсунойчи Дилора Абдуллаева ҳам, ғўзага узунасига ишлов бераётган Азиз Зиятуллаев, кўндалангига культивация қилаётган Туроп Аллақулов ҳам, хуллас, бригададаги 20 чоқли аъзонинг бариси ғўза ғулларини тўқ кўсакларга айлантириш ҳаракатида эдилар. Қатор ораларига 4 марта комплекс ишлов берилган, уч бор озиқлантирилган, бақувват ғўзалар мўл ҳосилдан дарак берарди. Бригада бошлиғининг ёрдамчиси, механизатор Сайдамет Абдураимов ҳозиргина ғўза қатор ораларини юмшатиб ўтган жўяклари кўздан кечирди. Ҳар жўяда 3 тадан ғўза тупи бор. 10 — 11 тадан тўқ кўсак.

— Бир гектар ерда ўрта ҳисобда 80 минг тупдан кўчат сақлаб қолишимиз керак эди. Ҳозир 160 гектар ернинг ҳар гектарида ўрта ҳисобда 83 минг тупдан кўчат бор. Энди ҳамма гап шу кўчатларнинг ҳосилига-ҳосил қўшишда қолган, — Шарофат опа сўздар экан, бу гапларни худди ўзига ўзи гапираётгандай катъий таъкидлади.

Мана биз шийпондамиз, бригадир радио қулоғини бураган эди, тонгги концертнинг ёқимли садоси бутун далага янграб эшитилди. Соат ҳали 7 ҳам бўлгани йўқ. Лекин, бригадада талай иш қилиб қўйилди. Сувчилар эса туни билан тинишмаган. Улар смена билан ишлашади. Эрталабдан Ҳасан Нормаров, Хўжам Аҳмадқулов, Юсуп Мамадалиевларнинг сменаси экан. Улар, сув тарайдиган қарталар тайин. Бир маҳал бригадирни қидириб кеча кўришганимиз Ҳасан келиб қолди.

— Шарофат опа, найча керак, ана у эскиларидан сув дуруст ўтмаяпти.

— Кеча омбордан борини келтирувдим, қолмапти. Хўжамдан олатуринг, ип тўхтамасин, қаердан бўлмасин топиб келамиз, — жавоб қилди Шарофат опа.

— Тилов ака бригадаси найчаларни резинка трубалардан қилипти.

— Аслида қамиш найдан яхшиси йўққу-я, бунда сув бир текис оқади. Тошмайди ҳам, қамайиб ҳам кетмайди.

Ҳасан кетгач, бригадир сувчилардан Ҳасан, Нишон, Хўжам, Юсупнинг ишидан мамнун бўлиб гапирди:

— Булар сувнинг маромига роса тушуниб қолишган.

Бригаданинг қайси пайкалига борманг, ҳамма иш кўнгилдагидай.

Кечга яқин Шарофат опа бизни ҳали айтганимиз ўт босган пайкалга бошлаб борди. Универсал ғўза қатор ораларини юмшатиб, ўт-ўланларнинг томирини кириб борарди, икки-уч киши эса шу ўтларни тозалар, онда-сонда қолган ўтларни томири билан ағдуриб оларди.

— Бироз шунақа ориқ еримиз бор, аввал бу ерлар тўқайзор эди. Пилига қанча уринмайлик, бир карра ўт босади, қани шу ўтнинг уругини қуритиб юборадиган йўли бўлсайди, — деди бригада бошлиғи.

Янгиер шаҳридаги 1-«Боёвут» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Бозорова қақида гапирганда шу гигант совхоз ҳақида айтмай бўладими! 5 минг гектар ерда пахта етиштираётган совхозининг азамат пахтакорлари 15 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаш учун курашмоқдалар. Пахтани машинада териб олишнинг ташаббускорлари бўлган совхоз механизаторлари бу йил ҳам етиштирилган пахтанинг 60 процентини машиналар ёрдамида териб олиш учун зўр тайёргарлик кўришяпти. Совхоз бўлимларида ғўза парвариши машина теримига мослаштириб ўтказилаётир. 135 та пахта териш машинаси тайёрланаяпти. Бунинг учун 10 та бригада тузилган. 170 механик-ҳайдовчи курсларда ўқиб келди. Совхознинг қайси бўлимига борманг, пахтаси машинада териладиган карталар белгилаб қўйилганини кўрасиз. Совхозининг Шарофат Бозорова, Тилов Абдалиев, Боймирза Холмирзаев ўртоқлар бошқараётган комплекс механизациялашган бригадаларидаги юқори ҳосилдан дарак берувчи ғўзаларни кўриб кувонасиз. Бу азамат пахтакорларнинг қилаётган меҳнати ҳақида бутун совхоз ишчилари мамнунлик билан сўзлашади.

Ф. УСМОНОВА.

Бутун аҳолининг ва халқ хўжалигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида, КИШЛОК ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ҲАЖМИНИ 10 йил мобайнида тахминан икки ярим баравар ошириш, 20 йил мобайнида эса—уч ярим баравар ошириш вазифаси қўйилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўсиши уларга бўлган эҳтиёжнинг ўсишидан олдинда бормоғи лозим. Совет Иттифоқи биринчи ўн йилликда аҳоли жон бошига асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетади.

КПСС Программаси проектидан.

ЗАРБДОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

СИРДАРЁДАН КЕЛГАН ХАТЛАР

Тарас Шевченко номли колхозининг ўртоқ И. Очилов бошлиқ бригадаси даласида иш қизғин. Эгат оралаб юрган киши ҳар туп ғўзадаги ғуж-ғуж кўсакларни кўриб қувонади.

— КПСС нинг янги Программа ва Устави проектларидан руҳланган бригада аъзолари, — деб хабар қилади шу колхозчан хат юборган ҳаваскор мухбир **П. Раҳимов,** — ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Чеканка тамомланди. Ғўза парвариши терим бошлангунча давом эттирилади.

Газетхонлардан **А. Абдураҳмонов, Т. Солиев, Х. Андақулов, И. Акаев** ўртоқларнинг ёзишича қараганда, райондаги «Қизил Октябрь», Ҳамза Ҳакимзода номли, «Ўзбекистон» колхозлари ва «Малик» совхозининг илғор бригадалари ҳам ғўза парваришини давом эттириб, мўл ҳосил тўпламоқдалар.

«Ўзбекистон» колхозининг коммунист А. Дўсматова, Т. Турсунов, Х. Жалилов бошлиқ бригадаларида бўлган киши ҳар туп ғўзада 10-12-тадан бўлиқ кўсак борлигини кўриб қувонади. Бу бригадаларда машина теримига ажратилган далалар алоҳида парвариш қилинмоқда. Айниқса, ўртоқ А. Дўсматова бригадасидаги ишлар диққатга сазовордир. Бригада механизатори Раҳмон Султонов чигит экишдан тортиб то ҳозирги кунгача фидокорона меҳнат қилмоқда.

— Бироқ, — деб ёзади газетхон ўртоқ **С. Худойберганов,** — колхозда ғўзанинг қўкига маҳлиё бўлиб, ҳосилга-ҳосил қўшишни тўхтатиб қўйган бригадалар ҳам бор. Манз Ҳолиқжон Маматқулов бригадасининг далалари. Ғўза ўсиқ бўлгани билан ҳар бирида кўпи билан 3-4-тадан кўсак бор. Лекин шунга қарамай, бригадир Ҳолиқжон ака ишимиз битди, энди хотиржам юраверсак ҳам бўлади деб хафсаласизликка берилган.

Колхозда бу йил 3230 тонна пахта етиштирилиши керак. Шундан 740 тоннаси машинада терилади. Шундай экан, хотиржамланишга ўрин йўқ.

Газетанинг яқиндан ёрдами орқасида машҳур механизатор Турсуной Охунова, пахта устаси Шарофат Баракаевалларнинг мўл ҳосил етиштириш ва машина теримига пухта тайёрланиш ҳақидаги ватанпарварлик чақириқлари район пахтакорлари томонидан яқ-диллик билан қўллаб-қувватланди. Ҳозир районда Охунова, Баракаеваларга эргашганларнинг сони анча кўпайди. Улар мўл ва юқори сифатли ҳосил етиштиришда ўз устозларининг маслаҳатларига кенг амал қилган ҳолда ишламоқдалар.

Ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилган Сталин номли колхозининг бригада бошлиғи Забарой Иқромованинг газетада босилган мақоласидан ҳамма хурсанд бўлди. У бригада аъзоларининг Т. Охунова ва Ш. Баракаеваларнинг **ҳосил шохда бўлади... шох қўпайса, ҳосил қўпаяди,** деган кўрсатмасига тўла амал қилганликларини жонли мисоллар асосида ҳикоя қилиб берган.

— **Механизация,** — деб ёзади бригада бошлиғи, — **пахтачиликни ривожлантиришнинг асосий воситаси. Машина оралаган далада меҳнат енгиллашади, ҳосил ошади, таннарх камаяди. Шунинг учун колхозчиларимизнинг машинага ихлоси баланд. Пахтазор ичида универсаллар гулдираб, энига қўйган бригадалар ҳам бор. Манз Ҳолиқжон Маматқулов бригадасининг далалари. Ғўза ўсиқ бўлгани билан ҳар бирида кўпи билан 3-4-тадан кўсак бор. Лекин шунга қарамай, бригадир Ҳолиқжон ака ишимиз битди, энди хотиржам юраверсак ҳам бўлади деб хафсаласизликка берилган.**

Колхозда бу йил 3230 тонна пахта етиштирилиши керак. Шундан 740 тоннаси машинада терилади. Шундай экан, хотиржамланишга ўрин йўқ.

Пахтакор газетхонлар «Бугунги меҳнат — эртаги нақд ҳосил» мақоласидан ҳам ўзлари учун кўпгина қимматли нарсаларни ўрганиб олдилар. Бу мақола Хрушчев номли колхознинг Ўсар Жўраев бошлиқ бригадаси аъзоларининг ишига бағишланган. Унда азамат пахтакорларнинг ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилаётганликларини кўрсатиб, бундай дейилади:

— **Бугунги тўккан маржон-маржон теримиз эртага, кузда чаноқлардан нақд «оқ олтин» бўлиб қайнаб чиқади. Партиямиз XXII съездига «оқ олтин» ортилган карвонлар билан пешвоз чиқамиз.**

Мана, техниканинг дўсти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор Валентин Тюпконинг мақоласи. У, ўз бригадасининг аъзолари ҳосил етилгунга қадар ғўза парваришини сифатли давом эттиришга қарор қилганликларини, шу билан бирга терим машиналарини ҳозирдан тахт қилиб қўйганликларини айтади.

Газета **«Т. Охунова ва Ш. Баракаевалар чақиригига қўшиламиз»** деган рубрика остида системали равишда материал босиб, жуда тўғри иш қилмоқда. Пахтакорларнинг ғўза қатор ораларига ишлов беришни бўшаштирмай давом эттираётганликлари ҳақида рангбаранг материаллар босиб турибди. Буни тақдирлаш керак.

Лекин шу билан бирга газетанинг бу соҳадаги ишида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Нима учундир Охунова ва Баракаеваларнинг чақириқларини сўзда қувватлаб, амалда эса ишни бўшаштириб юборганлар ҳақида ҳеч нарса демай турибди. ғўзанинг кўнига маҳлиё бўлиб, мўл ҳосил тўплашда жонбозлик қилмаётганларни танқид остига олмаётир.

Кўпчилик колхозларда пахта териш машиналарини ремонт қилиш чўзиб юборилмоқда. Газетанинг хабар қилишича, районда мавжуд бўлган 99 терим машинасининг кўпчилиги ҳалигача ремонтдан чиқарилмаган. Свердлов номли, Ленин номли, Фрунзе номли, Карл Маркс номли ва бошқа колхозларда машиналар ремонти ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу кечирилмас бир ҳолдир. Шундай экан, нега газета беғам, ўз сўзларининг устидан чиқмаётир? Бу соҳада қишлоқ мухбирларининг рейдларини ташкил қилиш мумкин эмасми? Албатта мумкин.

«Янгийўл» газетаси ишчи-деҳқон мухбирларининг катта армиясига эга. Уларнинг қўлидан ҳамма иш келади. Жуда кўп мутахассислар ўзларининг мақола ва хабарлари билан редакция ишига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Гап ана шу қучдан янада кўпроқ ва самарали фойдаланишда қолган. Партия, хўжалик активларига, мутахассисларга яқиндан суянмоқ лозим. Ишни уларнинг маслаҳатлари асосида ташкил қилиб, Т. Охунова, баракаевачилар сафини янада кенгайтириш, ваъдасини эсдан чиқарганларни қаттиқ танқид қилиш — газетанинг вазифасидир.

Янгийўллик қаламкаш журналистларимиз, албатта, бунинг уддасидан чиқадилар, деб умид қиламиз.

ТУРСУНОЙЧИ, БАРАКАЕВАЧИЛАРНИНГ САФИ ЯНА КЕНГАЙСИН

МАТБУОТ ОБЗОРИ

<>

Янгийўл районининг пахта далаларида, чорвачилик фермаларида меҳнат авжига чиққан. Ҳар бир деҳқон қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш йўлида астойдил ишлаётир.

«— КПСС XXII съездига муносиб тайёргарлик қураётган районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, — деб ёзади **«Янгийўл»** газетаси, — **бор имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларини муддатидан илгари бажариш тадбирларини белгилаб чиқдилар».**

Съезд очиладиган кун — 17 октябргача янгийўлликлар давлатга 28 минг 925 тонна пахта, 1200 тонна гўшт, 2955 тонна сут, 136,7 тонна жун, 680 минг дона тухум, анча миқдорда узум, мева, сабзавот сотиш мажбуриятини олганлар.

Газета қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида қилаётган ишларини мунтазам равишда ўз саҳифаларида ёритиб турибди, илғорларнинг ютуқларини кенг ва атрофлича пропаганда қилмоқда, тажрибакорларнинг маслаҳатларини ёйлаб-қувватламоқда.

Газетанинг яқиндан ёрдами орқасида машҳур механизатор Турсуной Охунова, пахта устаси Шарофат Баракаевалларнинг мўл ҳосил етиштириш ва машина теримига пухта тайёрланиш ҳақидаги ватанпарварлик чақириқлари район пахтакорлари томонидан яқ-диллик билан қўллаб-қувватланди. Ҳозир районда Охунова, Баракаеваларга эргашганларнинг сони анча кўпайди. Улар мўл ва юқори сифатли ҳосил етиштиришда ўз устозларининг маслаҳатларига кенг амал қилган ҳолда ишламоқдалар.

Ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилган Сталин номли колхозининг бригада бошлиғи Забарой Иқромованинг газетада босилган мақоласидан ҳамма хурсанд бўлди. У бригада аъзоларининг Т. Охунова ва Ш. Баракаеваларнинг **ҳосил шохда бўлади... шох қўпайса, ҳосил қўпаяди,** деган кўрсатмасига тўла амал қилганликларини жонли мисоллар асосида ҳикоя қилиб берган.

— **Механизация,** — деб ёзади бригада бошлиғи, — **пахтачиликни ривожлантиришнинг асосий воситаси. Машина оралаган далада меҳнат енгиллашади, ҳосил ошади, таннарх камаяди. Шунинг учун колхозчиларимизнинг машинага ихлоси баланд. Пахтазор ичида универсаллар гулдираб, энига қўйган бригадалар ҳам бор. Манз Ҳолиқжон Маматқулов бригадасининг далалари. Ғўза ўсиқ бўлгани билан ҳар бирида кўпи билан 3-4-тадан кўсак бор. Лекин шунга қарамай, бригадир Ҳолиқжон ака ишимиз битди, энди хотиржам юраверсак ҳам бўлади деб хафсаласизликка берилган.**

Колхозда бу йил 3230 тонна пахта етиштирилиши керак. Шундан 740 тоннаси машинада терилади. Шундай экан, хотиржамланишга ўрин йўқ.

Пахтакор газетхонлар «Бугунги меҳнат — эртаги нақд ҳосил» мақоласидан ҳам ўзлари учун кўпгина қимматли нарсаларни ўрганиб олдилар. Бу мақола Хрушчев номли колхознинг Ўсар Жўраев бошлиқ бригадаси аъзоларининг ишига бағишланган. Унда азамат пахтакорларнинг ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилаётганликларини кўрсатиб, бундай дейилади:

— **Бугунги тўккан маржон-маржон теримиз эртага, кузда чаноқлардан нақд «оқ олтин» бўлиб қайнаб чиқади. Партиямиз XXII съездига «оқ олтин» ортилган карвонлар билан пешвоз чиқамиз.**

Мана, техниканинг дўсти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор Валентин Тюпконинг мақоласи. У, ўз бригадасининг аъзолари ҳосил етилгунга қадар ғўза парваришини сифатли давом эттиришга қарор қилганликларини, шу билан бирга терим машиналарини ҳозирдан тахт қилиб қўйганликларини айтади.

Газета **«Т. Охунова ва Ш. Баракаевалар чақиригига қўшиламиз»** деган рубрика остида системали равишда материал босиб, жуда тўғри иш қилмоқда. Пахтакорларнинг ғўза қатор ораларига ишлов беришни бўшаштирмай давом эттираётганликлари ҳақида рангбаранг материаллар босиб турибди. Буни тақдирлаш керак.

Лекин шу билан бирга газетанинг бу соҳадаги ишида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Нима учундир Охунова ва Баракаеваларнинг чақириқларини сўзда қувватлаб, амалда эса ишни бўшаштириб юборганлар ҳақида ҳеч нарса демай турибди. ғўзанинг кўнига маҳлиё бўлиб, мўл ҳосил тўплашда жонбозлик қилмаётганларни танқид остига олмаётир.

Кўпчилик колхозларда пахта териш машиналарини ремонт қилиш чўзиб юборилмоқда. Газетанинг хабар қилишича, районда мавжуд бўлган 99 терим машинасининг кўпчилиги ҳалигача ремонтдан чиқарилмаган. Свердлов номли, Ленин номли, Фрунзе номли, Карл Маркс номли ва бошқа колхозларда машиналар ремонти ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу кечирилмас бир ҳолдир. Шундай экан, нега газета беғам, ўз сўзларининг устидан чиқмаётир? Бу соҳада қишлоқ мухбирларининг рейдларини ташкил қилиш мумкин эмасми? Албатта мумкин.

«Янгийўл» газетаси ишчи-деҳқон мухбирларининг катта армиясига эга. Уларнинг қўлидан ҳамма иш келади. Жуда кўп мутахассислар ўзларининг мақола ва хабарлари билан редакция ишига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Гап ана шу қучдан янада кўпроқ ва самарали фойдаланишда қолган. Партия, хўжалик активларига, мутахассисларга яқиндан суянмоқ лозим. Ишни уларнинг маслаҳатлари асосида ташкил қилиб, Т. Охунова, баракаевачилар сафини янада кенгайтириш, ваъдасини эсдан чиқарганларни қаттиқ танқид қилиш — газетанинг вазифасидир.

Янгийўллик қаламкаш журналистларимиз, албатта, бунинг уддасидан чиқадилар, деб умид қиламиз.

Комсомол-ёшлар бригадасида

Отахонларнинг суҳбати диққатимизни беихтиёр ўзига тортди.

— Ғўзанг бўлса, шундай бўлса. Баргидан ҳосили кўп.

— Бригадири ҳам олов йигит-да, ўзи. Тиниб-тинчимайди. Кечаси ҳам далада, тонгда ҳам далада кўрасиз уни. Аъзоларини-ку, қўяберасиз.

Бу иккала отахоннинг суҳбати Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхознинг Қўчқор Расулов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси тўғрисида борар эди.

Бригада далаларини айланар эканмиз, отахонларнинг мақтови беҳиз эмас эканлигига қаноат ҳосил қилдик. Мана, бир туп ғўзадаги кўсакни санадик. 15 та экан. Ҳосил тугунчалари бу ҳисобга кирмайди. Айрим кўсаклар очилай деб турибди.

Далада етиштирилган бу мўл-кўл ҳосилни яратганлар ким бўлди? Кўп ўтмай бу саволимизга жавоб топа олдик. Бригадирнинг нақадар ишчан, меҳнатсевар эканлигини отахонларнинг сўзидан билиб олган эдик. Мана, пахтазор қўйнида енг шимариб меҳнат қилаётганлар. Булар Тўхта Қурбонова, Салима Ҳожибоева, Назира Пирназарова, Мастура Фозилова ва Фотима Мирзабекова каби комсомол-ёшлар. Ҳу ён томондаги картада сув таратаётганлар Қурбон ота Эгамбердиев, Турдибек ота Раҳимов, Иброҳим ота Солиев. Бу отахонларни қар қанча ҳурмат қилса арзийди. Ахир, шу ҳисобсиз кўсакларни яратишда уларнинг ҳиссаси оз-мунча эмаса!

Бригада пахтакорлари шу кунларда ҳосилга-ҳосил қўшиш, кузда баракали хирмон кўтариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Р. ОТАҚУЛОВ,
Н. БАРКАШЕВ.

Абдужаббор ота—моҳир пахтакор

Абдужаббор ота Холматов 70 ёшга тўлди. Бироқ у, «Бўлди энди, менинг ёшим ўтиб қолди» деб қўл қовуштириб ўтирганг йўқ. Оққўрғон районидаги Сталин номли колхознинг 3-бригадасидаги звенога бошчилик қилиб, йил сайин мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили етиштириб келаяпти.

Абдужаббор отанинг бу йилги гайрати, аҳди ҳам чакки эмас. 15 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 42 центнер ҳосил етиштиришга сўз берган. У бошлиқ звено аъзолари бундай юқори ҳосилни етиштириш учун эрта баҳорданоқ фидокорлик билан меҳнат қилиб келмоқдалар. Улар ғўза парваришини намунали ўтказаяптилар. Ғўза узунасига 4 марта, кўндалангига 3 марта культивация қилинди. Чеканка сифатли ўтказилди. Ҳар бир туп ғўза ўз вақтида қондириб суғорилди. Бу ишларнинг оқибати ёмон бўлмади. Ҳозир ҳар бир туп ғўзада кам деганда 10 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

Биз аминмизки, Абдужаббор ота бошлиқ звено пахтакорлари ўз сўзларининг устидан чиқиб, партиямиз XXII съездини катта совға билан кутиб оладилар.

Шу райондаги Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ У. Жулматов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам ғўза парваришини янада авж олдириб юбордилар.

А. ХОЛХЎЖАЕВ,
Қ. САЙИДИНОХУНОВ.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ПАХТАКОРЛАР УЧУН

Шу кунларда бир далаларга чиқиб кўринг-а, ҳаёт худди қайнар булоқдай жўшиб тошаяпти. Пахтазорларда меҳнат кўтаринкилиги кун сайин, соат сайин авжига минаяпти. Бу йилги етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олиш мавсумига саноқли кунлар қолди.

Дала шийпонлари, қишлоқлар борган сари маданият марказларига айланаяпти. Минглаб механизаторлар, пахтакорлар дала шийпонларига кўчиб чиқабошладилар. Ана шундай кезларда савдо, маданият ходимлари пахтакор биродарларига кўнгилдагидек хизмат қиладилар.

«Ўзбекбирлашув» республика матлубот кооперациясининг савдо базалари қишлоқлардаги савдо тармоқларига турли-туман маданий, хўжалик моллариии жўнатаяптилар. Айниқса, телевизорлар, радиоприёмниклар, тикув машиналари, мотоцикллар, велосипедлар кўплаб жўнатилаяпти. Қишлоқ магазинларига ҳозир жўнатилаётган пианиноолар, холодильниклар, кир ювиш машиналари ва пилесослар ўтган йилдагига нисбатан бир ярим марта кўпдир.

Пахтакорларга қулайлик туғдириш учун бевосита дала шийпонларида савдо қилинаётир. Катта габаридли хўжалик моллари колхозчиларнинг буюртмалари бўйича махсус транспорт билан уларнинг уйларига этиб бериладн.

Суратда: «Ўзбекбирлашув»нинг республика улгуржи савдо базасидан пахтакорлар учун товарлар жўнатиш пайти.

Қ. Розиқов ва А. Усмонов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» *материаллари изидан*

„Сатқаи диплом“

Газетамизнинг шу йил 5 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган танқидий мақола юзасидан редакция қуйидаги жавобни олди:

«Ўзбекистон ССР савдо министрлиги газетангизда босилган «Сатқаи диплом» сарлавҳали мақола муносабати билан Ташпромторгда кадрлар билан ишлашнинг аҳволини текшириб чиқди. Текширишда халқ хўжалигининг бошқа турли соҳалари бўйича мутахассис бўлган кишилардан савдо системасида нотўғри фойдаланилиб, айни вақтда савдо ўқув юртларини тамомлаган кишилар Ташпромторгда ўзларига яраша иш тополмаганликлари ҳақидаги фельетонда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди.

Бундан ташқари текшириш давомида Ташпромторгда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда партиявий принципнинг кўпол равишда бузилишига йўл қўйилганлигига таллуқли фактлар ҳам аниқланди.

Министрлик коллегиясининг қарори билан Ташпромторгнинг директори ўртоқ Ксендзов кадрлар билан ишлаш масаласига эътибор бермагани, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда партиявий принципни бузганлиги учун вазифасидан бўшатилди. Директорнинг кадрлар бўйича ўринбосари ўртоқ Нуруллаев совет савдоси қоидаларини бузувчиларга нисбатан келишувчилик ва ҳомийлик қилганлиги учун ишдан олиб ташланди.

Министрлик коллегияси Ташпромторгда кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар белгилади.

Узбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари.

А. МАТВЕЕВ».

ҚОВУН-ТАРВУЗ ҒАРҚ ПИШДИ

Шу кунларда қовун-тарвуз ғарқ пишди. Айниқса, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида ёзнинг бу нозу-неъматидан мўл ҳосил етиштирилди. Мана, колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бошчилик қилаётган бригаданинг полиз майдони. Қовун-тарвуз бирам серобки, кўзни қамаштиради. Ширинлиги тилни ёради. Эканига минг раҳмат дейсиз еб кўрсангиз. Тарвузларни айтмайсизми! Қучоққа сиғмайди. Суратда: бригада даласида тарвуз узиш пайти.

Б. Эрқоров фотоси.

Физкультура ва спорт

ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИГА БРОНЗА МЕДАЛИ БЕРИЛДИ

Касаба союзларнинг Москвада ўтказилган VII Бутуниттифоқ спартакиадаси тамом бўлди. Мусобақа голибларига фахрли диплом ва мукофотлар топширилди. Умумкоманда ҳисобида РСФСР спортчилари биринчи ўринни, москваликлар иккинчи ўринни, Украина вакиллари учинчи ўринни олдилар.

Мусобақаларда Тошкент боксчилари («Спартак» жамияти) яхши натижаларга эришдилар. Тўрт боксчи В. Агаронов, В. Шаров, И. Будман ва А. Топчий ўртоқлар финалга чиқишди. Бунда тренер В. Ю. Бухманнинг хизмати каттадир. Ана шу тўрт чарм қўлқоп мастерлари спартакиаданинг кумуш медалларини олишга муваффақ бўлдилар. Команда ҳисобида Ўзбекистон боксерлари Москва ва РСФСР командаларидан кейин учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали олишга сазовор бўлдилар.

ФУТБОЛ БУЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ УЧУН

Республика стадионларида футбол бўйича Ўзбекистоннинг 1961 йилги кубогини олиш учун якунловчи ўйинлар давом этмоқда.

Термизда маҳаллий футболчилар Бухоро область кубогини олган Когон темир йўлчилари билан учрашдилар. Ўйин қизғин кураш вазиятида ўтди ва 4:3 ҳисобида меҳмонлар галабаси билан тамом бўлди.

Тошкент «Старт» командасининг футболчилари Наманган шаҳрига бориб, шу жойдаги 22-автобаза командаси билан ўйнадилар. 2:1 ҳисоби билан тошкентликларнинг қўли баланд келди.

Ярим финал ўйинларининг қатнашчилари маълум бўлди. Булар «Старт» (Тошкент), «Локомотив» (Когон) командалари, Янгиобод (Тошкент области) ва Урганч футболчиларидир. (ЎзТАГ).

ҚАЙТА ЎЙНАЛГАНДАН СЎНГ

СССР кубогининг 1/32 финали учун Тошкентнинг «Старт» ва Москванинг «Спартак» командалари ўртасида «Пахтакор» стадионида ўтказилган футбол матчи ҳаяжонли бўлди. Тошкентнинг ёш футбол коллективи СССР кубогини 6 марта қўлга киритган спартакчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. 90 минут давомида иккала команда ҳам ғалабага эриша олмади. Қўшимча берилган 30 минут вақтда ҳам москваликлар ҳар қанча уринди, ҳисобни очолмай дог қолдилар. Командалар якшанба куни қайтадан беллашишди. Бу ўйинда спартакчи Г. Хусаинов ва Ю. Севидов «Старт» дарвозасига тўп киритдилар. «Спартак» 2:0 ҳисоби билан ғалаба қозониб, кубок учун қурашни давом эттириш ҳуқуқини олди.

«Старт» мағлубиятга учраганига қарамай, шижоат ва ўюшқоқлик билан ўйнаб, тошкентликларни хурсанд қилди.

ЯНГИ МЕБЕЛЬ МАГАЗИНИ

• ОРЖОНИКИДЗЕ. Район марказида мебеллар билан савдо қилувчи янги магазин очилди. Харидорлар бу ердан бежирим мебеллар ҳамда хўжалик учун керакли бўлган ҳар хил буюмларни кўплаб сотиб олмоқдалар.

И. Рустамов.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 22 АВГУСТ, 1961 ЙИЛ.

Архитекторлар Мирзачўл совхозларини оталикка олдилар

Ўзбекистон архитекторлари қўриқ ерлардаги қурилишнинг сифати ҳақида ғамхўрлик қилишни ўз зиммаларига олдилар. Ўзбекистон Архитекторлар союзи таъсис этган Мирзачўлдаги қурилишга ёрдам бериш комиссияси ани шу зонада қурилаётган ҳамма объектдаги аҳвол билан танишиб чиқди. Жамоатчи экспертлар 1 ва 7-пахтачилик совхозларининг ҳамда 1-боғдорчилик-узумчилик совхозининг проектларини батафсил ўргандилар. Атоқли мутахассислар иштироки билан кенг муҳокама ўтказиш натижасида проектларга бир қанча муҳим тузатишлар киритилди ҳамда бошқа жойларда ҳам фойдаланишга яроқли бўлиши учун планировканинг типиклик шартлари белгилаб олинди.

Жамоатчи комиссия Мирзачўлдаги совхозларнинг қўрғонлари, уй-жой ва ишлаб чиқариш биноларининг типовой проектларини яратиш ҳақида конкурс ўтказиш ташаббусини хўтариб чиқди. Ўзбекистон Архитекторлар союзининг Янгиерда ўтказиладиган пленуми қўриқ ерлардаги проектлаш ва қурилиш проблемаларига бағишланади. (ЎзТАГ).

Дўстлик алоқалари ривожланмоқда

Тинчликсевар давлатимиз тинч-тотув яшаш принципини амалга ошириб, ижтимоий тузуми турлича бўлган мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқаларни тинмай ривожлантирмоқда. Биз буни Ўзбекистон билан Ҳиндистон республикаси ўртасидаги ривожланиб бораётган дўстона муносабатлар ёрқинлида яққол кўришимиз мумкин.

Дўстлик алоқалари ўзаро махсус делегациялар юбориш, илмий ва маданий соҳаларда қўлга киритилган муваффақиятларни ўртоқлашиш, бир-бирига кинофильмлар ва виставкалар юбориш каби воситалар орқали амалга оширилмоқда.

Республикамизнинг бир қатор мактабларида ҳинд ва урду тиллари ўқитилмоқда. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ҳинд халклари тили, адабиёти ва тарихи бўйича анчагина мутахассислар тайёрлаб етиштирди ва етиштирмоқда. Ўзбекистонда ҳинд классик ва ҳозирги замон ёзувчиларининг бир қатор асарлари босилиб чиқди. Республика театрлари саҳнасида ҳинд драматургларининг пьесалари муваффакият билан намойиш қилинмоқда.

Ҳиндистон учун урду ва инглиз тилларида радио эшитиришлар программаси анча кенгайтирилди. Ҳиндистон артистларининг республикамизга, Ўзбекистон санъат усталарининг Ҳиндистонга қилган кўпгина гастроль сафарлари катта муваффақият билан ўтди.

Сўнгги икки йил ичида Ўзбекистонга Ҳиндистондан умумий состави 200 кишига яқин бўлган 40 дан ортиқ делегация келиб кетди.

Совет-Ҳиндистон маданий алоқалар жамиятининг Ўзбекистон бўлими икки халқ ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантириш учун кўпгина тадбирларни қўрмоқда. Бўлим Ҳиндистон-Совет маданий алоқалар жамиятининг ўнлаб бўлимларига газета-журналлар, Ўзбек ёзувчиларининг асарлари, ўзбек композиторлари асарлари ёзилган нота ва граммпластинкалар, республикамиз механиткашлари Совет ҳокимияти йилларида эришган муваффақиятлар тўғрисида ҳикоя қилувчи фотоподборкалар ва бошқа маданий материалларни мунтазам юбориб туради. Ўз навбатида худди шундай нарсалар бизга Ҳиндистондан келиб туради.

Бундан ташқари Тошкент корхоналаридан янги қаёт қураётган ҳинд халқига юборилиб турадиган саноат маҳсулотлари ҳам дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоқда.

Биз мустамлакачилар зулмидан озод бўлган кунинг 14 йиллигини яқинда нишонлаган ҳинд халкига катта муваффақиятлар тилаймиз.

М. ТУРСУНХЎЖАЕВ,
чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг референти.

2,5 ойдан ортиқ гастролда

Тошкент кўчма циркининг иккинчи группаси республикамиз бўйлаб 2,5 ой давом этган гастролдан яқинда қайтиб келди. Цирк группаси Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРнинг район марказлари, колхоз ва совхозларида 60 тадан ортиқ тамоша кўрсатди. Тамошабинлар Озарбайжон халқ полвони Эльбурс Нажапов, ёш ўзбек полвони Тўланбой Қурбоновнинг чиқишларини мароқ билан кўрдилар. Ҳар икки полвоннинг маҳорат билан ижро этган номерлари кўпчиликда зўр таассурот қолдирди.

Тошкент циркининг полвонлари Туркманистон ССРнинг Тельман, Кўнаурганч ва Калинин районларида ҳам тамошалар кўрсатдилар.

Ана шу ижодий коллектив яқин кунларда Фарғона водиси бўйлаб гастроль сафарига жўнаб кетади.

Энг йирик музликнинг каталоги

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан тузилган экспедиция Памирда тадқиқот ишлари олиб бориб, дунёда энг йирик ва энг баландликда жойлашган Фединченко музлиги тўғрисида кўпгина қимматли маълумотлар тўплашга баракали ҳисса қўшди. Денгиз сатҳидан 3—6 минг метр баландликда жойлашган музлик ҳақидаги асосий маълумотларни экспедиция қатнашчиларидан бири ёш олим — глянциолог Марс Носиров системага солиб чиқди.

Федченко ҳавзасининг биринчи тўлиқ каталоги бўлган бу манбада шу музликка кирувчи ҳамма муз массивлари тўғрисида маълумотлар бор. Каталогда музликни тадқиқ қилишни давом эттириш учун зарур бўлган кўпгина янги маълумотлар келтирилган. Каталог шимоли-ғарбий Памирдан бошланувчи Ўрта Осиё дарёларн оқимининг прогнозларини тузишнинг ҳам осонлаштиради. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ АҚШ ҲУКУМАТИГА НОТАСИ

Германия Демократик Республикасининг Ғарбий Берлин билан бўлган чегараларини муҳофаза ва контроль қилиш соҳасида Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг мурожаатига мувофиқ кўрган чоралари муносабати билан АҚШнинг Москвадаги элчихонаси ўз ҳукуматининг топшириғига биноан 17 августда Совет Иттифоқи ҳукуматига нота юборди. АҚШ ҳукумати ўз нотасида Германия Демократик Республикаси томонидан кўрилган чоралар «Берлиннинг тўрт давлат томонидан белгиланган статусини бузди» деб айтади ва шу чораларга қарши норозилик билдиради.

Шу куниёқ Англия ва Франция ҳукуматлари ҳам Совет ҳукуматига айни шу мазмунда нталар юбордилар.

18 августда СССР Ташқи ишлар министрлиги АҚШ ҳукуматига Совет ҳукуматининг жавоб нотасини юборди.

Совет ҳукумати дейилади нотада, Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг ҳаракатларини тўла равишда тушунади ва қувватлайди. Германия Демократик Республикаси ҳукумати чегараларда кўрган шундай чораларн билан ҳар бир давлатнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун бўлган одатдаги ҳуқуқидан фойдаланди, холос. АҚШ ҳукуматининг Германия Демократик Республикасининг ички ишларига аралашишга уринишн шу сабабли бутунлай асоссиз ва ўринсиздир.

Нотада Германия Демократик Республикасининг Ғарбий Берлин билан бўлган чегарасидаги қатновни контроль остига олишни зарур ва, ҳатто, муқаррар қилиб қўйган сабаблар кўрсатиб ўтилади.

Ғарбий Берлин Германия Демократик Республикасига, СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ва жосуслик ишлари олиб бориладиган марказга, сиёсий ва иқтисодий иғвогарликлар марказига айлантириб юборилди.

АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларининг ўзлари, дейилади сўнгра нотада, Ғарбий Берлин Германия Федератив Республикасининг бир қисми эмаслигини ва шу республика органлари томонидан идора қилиниши мумкин эмаслигини эътироф қилган эдилар. Шунга қарамай, ҳозирги вақтда Ғарбий Берлинда Германия Федератив Республикасининг 50 тадан кўпроқ давлат муассасалари иш олиб бормоқда, улар шаҳарнинг ҳамма ишларига суроетларча аралашмоқдалар, бундестаг ва бундесрат органлари эса, шаҳарнинг бу қисмини ўзимизники, деб қонунсиз даъво қилмоқдалар.

Хўш, бундай ҳодисалар рўй бераётганлигининг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, ғарбий оккупациячи маъмурлари бунга йўл қўйиб бермоқдалар ва буни тўғридан-тўғри рағбатлантирмоқдалар, тўрт давлат битимига кўра ўз зиммамизга мажбуриятлар олганмиз, деб даъво қилиб, бу мажбуриятларни агрессив НАТО ҳарбий блокининг қатнашчиси сифатида Ғарбий Германия томонидан ўзларига кўрсатилаётган хизматларга алла-қачон атмосфериб қўйганлар.

Нотада уқтириб айтиладики, Германия Демократик Республикаси бундай бутунлай ҳунук ва йўл қўйиб бўлмайдиган аҳволга кўп йиллардан бери жуда чидаб келди. У ўзининг изчил тинчликсевар ва демократик сиёсатини ўтказиб, Германия проблемасини тинч йўл билан бартараф қилиш ва Германияни тинчлик демократик негизларда қайта бирлаштириш масалалари устида ҳар иккала герман давлати ўртасида битимга келишни осонлаштириш умидида кўпгина қурбонлар берди. Шунга қарамай, айниқса кейинги вақтларда, Германия билан кечиктирмай сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш тўғрисида таклифлар киритилганидан сўнг, Ғарбий Берлиндан туриб Германия Демократик Республикасига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ишлари олиб бориш тағин ҳам кенгайтириб юборилди.

СССР, АҚШ, Англия ва Франция иккинчи жаҳон урушининг охирида ва гитлерчилар Германияси тор-мор қилинганидан кейин тузган ўзларининг тарихий битимларида дейилади нотада. Германиянинг турмушини демократик тинчликсеварлик негизларда янгилаш программасини биргаликда белгилаб қўйган эдилар. Бу программа Германия Демократик Республикасининг территориясида амалга оширилди. Афсуски, Ғарбий Германиядаги ривожланиш милитаризмни қайта тиклаш йўлидан борди, бунга СССР ҳукумати эътиборни неча марталаб жалб қилган эди. Ҳозир ҳам у ерда тинчлик иши учун хатарли бўлган шовинист ва реваншчи кучлар яна авж олмоқда. Бунга Ғарб давлатларининг узлари ёрдам бердилар ва урушдан кейин тўрт давлат ўртасида тузилган битимларнинг ҳамма негизларини қўпол равишда бузиб ташладилар. Шу сабабли, улар тўрт давлат ўртасида Германияга доир тузилган ва ўзлари бузиб ташлаган битимларни рўкач қилишлари ўринсиздир.

Нотанинг охирида айтиладики, Германия Демократик Республикасининг Ғарбий Берлин билан бўлган чегараларида кўрилган муҳофаза чоралари шаҳар аҳолиси учун вақтинча бирмунча қийнайсизликлар туғдиради, лекин бунинг учун айб оккупациячи маъмурлар зиммасига ва Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг зиммасига тўла равишда юклатилиши лозим, чунки улар шу райондаги вазиятни ҳамма давлатларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олган ҳолда соғломлаштиришга йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўрдилар. Шу сабабли, АҚШ ҳукуматининг нотасида айтилган норозилик учун асос йўқ ва Совет ҳукумати бу норозиликни қатъиян рад қилади.

Нотада кўрсатиб ўтиладики, Германия Демократик Республикаси ҳукумати томонидан кўрилган чоралар, илгари айтиб ўтилганидек, мувоққат чоралардир. Совет ҳукумати шу нарсани қайта-қайта уқтириб ўтдики Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш томонлардан бирортасининг манфаатларини камситмайди ва тинчликка ҳамда ҳаёмма халқларнинг хавфсизлигига фойдали бўлиб чиқади. Совет ҳукумати АҚШ ҳукуматини ҳам мана шунга даъват қилади.

* * *

Худди шу куни Совет ҳукумати Англия ва Франция ҳукуматларига ҳам айни шу мазмунда жавоб нталари юборди. (ТАСС).

Берлиндаги совет қўшинлари гарнизони комендантининг ғарбий секторларнинг комендантларига жавоб хати

БЕРЛИН, 19 август. (ТАСС). АҚШ, Англия ва Франциянинг Ғарбий Берлиндаги секторлар комендантларининг 15 августдаги хатларига Берлиндаги совет Қуролли Кучлари гарнизонининг коменданти 18 августда қуйидаги жавоб хатини юборди:

Сизларнинг 1961 йил 15 августдаги хатингиз муносабати билан менга қуйидагиларни маълум қилиш топширилди.

Илгари ҳам бир неча марта уқтириб ўтилганидек, Берлиндаги совет қўшинлари гарнизонининг комендатураси Германия Демократик Республикаси пойтахтининг ишларига аралашмайди. Сизларнинг менга қилган мурожаатингизда айтилган масала Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг компетенциясига тўла равишда тааллуқлидир. Германия Демократик Республикаси ҳукумати Германия Демократик Республикасининг Ғарбий Берлин билан бўлган чегарада ўтказаётган тадбирлари ҳар бир суверен давлатнинг ўз қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган одатдаги ҳуқуқини амалга ошириб ўтказилаётган тадбирлардир. Ҳар бир давлат ўз чегараларида ўзи лозим топган ва шароитга мувофиқ келадиган тартиб ўрнатади. Шу сабабли, сизнинг шу чоралар муносабати билан айтган гапларингиз бутунлай ўринсиздир.

Ўз-ўзидан равшанки, Ғарбий Берлин билан бўлган чегарада саларнинг паноҳида Германия Демократик Республикасига, СССРга ва бошқа социалистик давлатларга қарши қўпорувчилик ишлари олиб борaётганликлари кўп марталаб қўрсатиб ўтилган эди. Ғарбий Германия реваншчиларини ва милитаристларини слетларда ва намойишларда қатнашмоқ учун Германия Федератив Республикасидан Ғарбий Берлинга осмон йўлари орқали самолётларда олиб келинганлиги ҳамда Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўзининг ҳарбий тайёргарликларини Ғарбий Берлинда ҳам ўтказишга кўп марталаб уринганлиги сингари фактлар ҳам комендантларга ҳеч шубҳасиз маълумдир. Германия Федератив Республикасининг ва НАТО мамлакатларининг Германия Демократик Республикаси экономикасини қўпориш, социалистик ҳамкорлик мамлакатларига қарши душманлик ва гижи-гижлаш пропагандаси олиб бориш планларида Ғарбий Берлинга қандай роль бераётганликлари ҳам етарли равишда кенг даражада маълумдир. Германия Федератив Республикасининг сиёсатчилари Ғарбий Берлинга «фронт шаҳри» деб очиқдан, очиқ ном бериб, бу шаҳар Германия Демократик Республикасидаги ва бошқа социалистик мамлакатлардаги тинч қурилишга халақит бериши лозим деган гапларни айтмоқдалар.

Бундай душманчилик ҳаракатларининг оқибатлари ҳақида неча марталаб жиддий огоҳлантиришлар қилинганлигига қарамай шундай ишлар давом эттирилди. АҚШ, Англия ва Франция маъмурлари йўл қўйиб бўлмайдиган мана шу ҳилдаги халқаро иғвогарликлар учун Ғарбий Берлин территориясидан фойдаланишга хотима берадиган ҳеч бир чора кўрмадилар.

Шу нарса жуда табиийдирки, реваншчи ва милитарист доиралар шундай иғвогарлик ишларини давом эттираётганликлари сабабли, Германия Демократик Республикаси бу фаолиятнинг пайини қирқиш чораларини кўришга мажбур бўлиб қолди. Бу чоралар барча социалистик давлатлар ҳамкорлигининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кўрилди, бу ҳақда мазкур давлатлар Германия Демократик Республикасига ўзлари юборган ёшма мурожаатда гапириб ўтдилар.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг баёнотида кўрсатиб ўтилганидек, вужудга келган аҳвол учун ҳамда мана шу муҳофаза чоралари сабабли аҳолининг баъзи бир қисми маълум ўнгайсизликларга дуч келаётганлиги учун Германия Федератив Республикасининг реваншчи ва милитарист доиралари, шунингдек Ғарбий Берлинда оккупациячилик функцияларини амалга ошираётган Ғарб давлатлари тамомила ва буткул жавобгардирлар. Бинобарин, бу жавобгарлик оккупация маъмуриятига бошчилик қилаётган сиз жаноб комендантнинг ҳам устингизга тушади. Шу сабабли, сизнинг 15 августдаги хатингизда баён қилган даъволарингизни мен ҳеч қандай асосга эга бўлмаган даъволар, деб қатъиян рад қиламан.

КПСС ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИНИНГ ТЎЛА ТЕКСТИ АВСТРИЯДА НАШР ҚИЛИНДИ

ВЕНА, 20 август. (ТАСС). «Фольксштимме» газетаси ўзининг бугунги сонига махсус илова қилиб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектининг тўла текстини босиб чиқарди.

ФОШ ҚИЛУВЧИ ҲУЖЖАТЛАР

РИМ, 19 август. (ТАСС). Италиянинг демократик матбуоти ТАССнинг СЕНТО агрессив планларини фош этувчи баёнотини катта сарлавҳалар остида босиб чиқарди. «СЕНТОнинг атом зарбалари беришга мўлжалланган аҳмақона планлари фош этилди», деб ёзади «Унита» газетаси.

Бу ҳужжатлар деб таъкидлайди «Унита» бутун дунёда «мудофаа» ниқоби остида Қўшма Штатлар томонидан ташкил этилган ҳарбий иттифоқларнинг қаҳқаҳ башарасини батамом очиб ташламоқда.

Ўнг матбуот ТАСС баёнотининг аҳамиятини очиқдан-очиқ камситишга уруниб, бу тўғрида қисқагина хабарларни босиб чиқармоқдалар.

ЭРОН ШОҲИ БЕТАРАФЛИКНИНГ ДУШМАНИ

ЛОНДОН, 20 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Теҳрондан хабар беришича, Эрон шоҳи Мосаддик ҳукуматини ағдариб ташлаган «Шоҳ революцияси»нинг 8 йиллигини байрам қилиш вақтида сўзлаган нутқида бетарафлик «иккала жаҳон уруши даврида Эронга зарар етказди», деди.

«Биз коммунизмга карши бир томчи қонимиз қолгунча курашаверамиз», — деди шоҳ.

АҚШ ва СЕНТО мамлакатларнинг Совет Иттифоқига ва бошқа тинчликсевар мамлакатларга қарши атом уруши тайёрлаётганликларини фош этувчи ҳужжатлар Совет Иттифоқида эълон қилингандан сўнг Эрон шоҳининг Эрон ва СЕНТО ҳарбий блоки тинчликсевар ниятдадир, деб ишонтирмоқчи бўлиб айтган гаплари эътиборсиз гаплар бўлди.

АНГОЛАГА МУСТАМЛАКАЧИ ҚЎШИНЛАР ЮБОРИЛМОҚДА

ЛОНДОН, 20 август (ТАСС). Рейтер агентлиги хабар беради: 1350 солдат тушган Португалиянинг «Куанза» пароходи кеча Лиссабондан йўлга чиқди. Бу солдатларнинг кўпчилиги Португалия мустамлакаси Анголага бормоқда. Қолган солдатлар Португалиянинг яна бир мустамлакаси Мозамбикни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган.

Телевизор экранида

22 АВГУСТДА

19.00. «Қизил галстук» телевизион журнали.
19.40. Телевизион янгиликлар.
20.00. «КПСС XXII съезди шарафига». Рус тилида «Рационализаторлар ҳикояси» деган эшиттириш.
20.20. Ўзбек тилида «Буюк ишлар санъати» деган эшиттириш.
20.40. Ўзбек опера ва балетларидан рақслар.
21.05. «Калеви — Лийва айблайди» — ҳужжатли фильм.
21.25. Рус тилида «Эпизодик роллар устаси» деган эшиттириш.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Шахтерлар шаҳри Оҳангарон нинг қиёфаси йилдан-йилга кўркамлашмоқда. Бу ерда янги-янги кенг ва текис кўчалар бунёдга келаётир, кўпқаватли ҳашаматли бинолар қад кўтармоқда. Бундай ажойиб ободончилик ишлари қўли гул бинокорлар ва меҳнатсевар йўл қурувчилар ғайрати нинг самарасидир. Суратда: шаҳар нинг Навоий кўчаси.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тошкентнинг тамоша заллари

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Кафанов номли парк. Халқ ижоди уйининг ёзги театри) — 22/VIII да **Травиата**, 23/VIII да **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 22/VIII да **Ганг дарёсининг қизи**, 23/VIII да **Фурқат**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Нотаниш аёлнинг хати — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Уч юлдуз — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 10 да).

Биринчи йил — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Хотиняи бўйдоқ — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Ўрмон қўшиғи — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кундуз 2 да), «СПУТНИК» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Париж Момо Марям ибодатхонаси (1 ва 2-серия)—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (2-залда, 1 ва 2-серия).

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Бешинчи бўлим —«ОКТЯБРЬ».

Ўрмон қўшиғи — «ВАТАН», ТЕЛЬМАН номли.

Биринчи йил—КАФАНОВ номли (кеч соат 10-20 минутда), НАВОИЙ номли.

Нотаниш аёлнинг хати—КАФАНОВ номли (кеч соат 8 яримда), «ФЕСТИВАЛЬ», ПУШКИН номли.

Тошкент шаҳридаги Октябрь район «САНОЧИСТКА» КОНТОРАСИГА

ЮКЧИЛАР КЕРАК

Адрес: Сағбон кўча, Янгиш проезд, 63-уй.

Тошкентдаги 2-МЕЛЬКОМБИНАТГА тарози мастери ва юкчилар

керак

Мурожаат учун адрес: 2-Сельмаш проезд, 27-уй (8, 21-автобуснинг «2-Мелькомбинат» остановкаси).

Некрасов кўчаси, 8-уйда турувчи Галина Алексеевна Рогожинанинг Қорамурт кўчаси, 31-а уй, 8-квартирада турувчи Юрий Валентинович Рогожиндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Уйғур кўчаси, 9-тупик, 11-уйда турувчи Фазлиддин Халиловнинг шу уйда турувчи Зуҳра Қобилова (Халилова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Оржоникидзе район, XXI партсъезд номли совхознинг 2-бўлимида турувчи Усмон Қосимовнинг Қўйлиқ қишлоқ, Суворов кўчаси, 5-уйда турувчи Муҳаббат Қосимованга ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Ҳатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01055. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. В. 1665.